БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 133

14 АВГУСТ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА. **Картошка, сабзавот ва меваларнинг мавсумли чакана нархларини жорий қилиш ва ўсимлик ёғи ҳамда сабзавот консерваларининг давлат чакана нархларини камайтириш тўғрисида** (1-нчи бет).

Чили шоири Пабло Нерудага «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Сталин мукофотининг топширилиши (1-нчи бет).

Ўзбекистон Совет ёзучиларининг учинчи с'езди (2-нчи бет).

Тошкент область ва Тошкент шаҳар халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1954 йилнинг биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида Тошкент область ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг ахбороти (2-нчи бет).

Августнинг қолган кунларида ҳам ғўза парваришини қизғин давом этдирайлик! Оққўрғонда ғўза парвариши сусайтириб юборилган (3-нчи бет).

ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлигида (3-нчи бет).

Ҳиндистон делегацияси а'золарининг Совет Иттифоқи тўғрисида айтганлари (4-нчи бет).

Осиё халқларининг бирлиги ва ҳамкорлиги учун (4-нчи бет).

Ижрони текшириш — маҳаллий советлар раҳбарлигида асосий метод

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш йўлларини кўрсатиб берди. Партия ва маҳаллий Совет ташкилотлари олдида социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигини, совет савдоси ва маданий-оқартув ишларини янада ривожлантиришдек муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни амалга ошириш меҳнаткашлар депутатларининг шаҳар ва район Советларидан раҳбарлик ва ташкилий ишларни тубдан яхшилашни, раҳбарликнинг синалган методи бўлган ижрони текширишни яхши йўлга қўйишни талаб этади. Корхона, колхоз ва совхоз, МТС ва бошқа ташкилотларга раҳбарлик қилишда қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш ва текшириш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ижрони текшириш раҳбарлик ва ташкилий ишда асосий шартдир. У ташкилотчилик ишига кенг йўл очади. Ижрони текширишни яхши йўлга қўйиб, раҳбар органларнинг бутун фаолиятини кучайтириб юбориш мумкин. Улуг Ленин қабул қилинган қарор ва директиваларнинг ижросини ташкил этиш ва текширишга катта аҳамият бериб, уни раҳбарлик ишининг энг муҳим қисми сифатида биринчи ўринга қўйган эди.

Ҳақиқатдан ҳам ижрони текширишни яхши йўлга қўймасдан туриб социалистик қурилишнинг муваффақиятини та'минлаш мумкин эмас. Ижрони текшириш намуналарини уюштирилган бўлса, у раҳбарлик ишини жонли қилади, конкретлаштиради, ходимларда ўз-ўзига ва бошқаларга юксак талабчанликни тарбиялайди, топширилган иш учун мас'уллик ҳиссларини оширади, давлат интизомини қаттиқлаштиришга мустаҳкамлайди, аппаратнинг иш аҳволини истаган вақтда кўрсатиб туради, бюрократлар ва пасткашларнинг ҳамма ишларини фош этишга ёрдам берадиган прожектор ролини бажаради. Ижрони текшириш эндиликдан синалган ва унинг чиниқ фазилатларини ва ижро қилиш аппаратининг нуқсонларини ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради. Маҳаллий Советларнинг ижрони комитетлари раҳбарликнинг синалган методи, раҳбарлик ишининг бошланиши ва энг муҳим қисми бўлган ижрони текшириш ва ташкил этишга катта аҳамият бериб, бу ишга кенг меҳнаткашлар оммасини, биринчи галда барча депутатларни жалб этишлари зарур.

Ижрони ташкил этиш ва унинг текширишга катта аҳамият бериб иш кўрсатган ва шу асосда муваффақиятларга эришган, қишлоқ, поселка Советлари, район ва шаҳар ижрони комитетлари ва Нигинбўл шаҳар ижрони комитети, Қорасув район ижрони комитети, шу райондаги Қўйлиқ қишлоқ совети, Нигинбўл районидаги Свердлов қишлоқ совети шулар жумласиндир. Бу маҳаллий Советларнинг ижрони комитетлари қабул қилинган қарор ва директиваларнинг ижро қилуви органларга ўз вақтида етиб бориши, уларда муҳокама қилиниб белосита ижро қилуччиларга етказилиши ва тушунтирилиши ҳақида, кенг меҳнаткашлар оммасини, депутатларни ва тегишли доимий комиссияларни бу қарорларни бажаришга сафарбар этиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Ижрони ташкил этиш ва текширишни иш билан иккинчи даражали ходимлар эмас, балки раҳбар ходимлар ўзлари амалга оширмоқдалар. Нигинбўл шаҳар Советининг ижрони комитети шу Совети шу асосда иш тутаётгани учун шаҳарда молиявий ишларнинг яхшиланишига ва бу соҳада белгиланган планларнинг муддатида бажарилишига эришмоқда.

Аммо айрим маҳаллий Советлар борки, улар ижрони ташкил этиш ва текшириш ишига бепарволик билан қарамоқдалар, ижрони текшириш, ташкилий ва оммавий ишларни уюштириш ўрнига, кўпдан қарорлар ёзиш билан авора бўлмоқдалар. Масалан, Верхне-волинск район ижрони комитети қўйи ташкилотларга яқиндан раҳбарлик қилмади, ижрони комитетнинг собиқ раиси ўртоқ Мирсоатов ижрони уюштириш ва ташкил этишни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ижроия комитети ўз қарорлари ва юқоридан келган директиваларнинг бажарилиши тўғрисида ғамхўрлик қилмади. Натижада район олдида турган хўжалик вазифаларнинг бажарилиши ҳозирги юксак талабларга жавоб бераолмайдиган аҳволга тушиб қолди. Область партия комитети ва область ижроия комитети Верхне-волинск район ижроия комитети ишида содир бўлган бундай камчилик ва хатоларни ўз вақтида очиб ташлаб, тегишли чора кўрдилар. район ижроия комитетидан ташкилий ишларни, биринчи галда ижрони ташкил этиш ва текширишни юксак даражага кўтаришни талаб этдилар. Бўка район ижроия комитети ҳам (раиси ўртоқ Тоиров) ижрони текширишдек муҳим ишни иккинчи даражали ходимларга топшириб қўйиб, бу ишга бошчилик қилмаётир.

Ҳозирги кунда областимизнинг колхоз ва совхоз далаларида бу йил давлатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш учун кураш тобора қизиб бормоқда. Ҳосилни йиғиб-териб олиш пайти тобора яқинлашиб келмоқда. Барча колхозлар, совхоз ва МТСлар пахта теримини памунали тайёргарлик билан кўтиб олишлари зарур. Бунга эришиш учун район ижроия комитетлари, қишлоқ ва поселка Советлари колхозларда қилинаётган ишларни ўз жойида текшириб кузатиб боришлари, ғўза парваришини қизғин давом этдириш билан пахта йиғим-теримига тайёргарликни ҳам кучайтириб юборишлари, бу соҳада юз бераётган камчиликларни бартараф этишда колхоз, совхоз ва МТСларга яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Ижрони ўз вақтида текшириш катта аҳамиятга эга, чунки уни текшириш нечинчилиги у ўз қимматини йўқотиши мумкин. Бу эса белгиланган вазифаларнинг бажарилиб қолишига олиб келади. Шу сабабли ҳам маҳаллий Советлар ижрони ўз вақтида текширишга, уни мавсумий тарзда эмас, балки мунтазам, яхши тайёргарлик кўриш билан ўтказишга катта эътибор беришлари керак. Ижрони текшириш ана шундагина самарали натижалар бериши мумкин.

Раҳбар ходимлар идорада ўтириб қоғозлар тўплаш, кўпдан қарорлар чиқариш, жойлардан ишларни тўтовсиз чақириш ҳолисаларига чек қўйиб, жойларга тез-тез чиқиб туришлари, қарор ва кўрсатмаларнинг бажаришга колхоз, совхоз ва МТСларда бажарилишини текшириш ва ташкил этишлари, ишни оператив жойли ташкилий иш олиб боришлари керак.

Областимизнинг маҳаллий Советлари партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида ўзларининг бутун кучларини, ташкилий ва оммавий ишларини партия томонидан қўйилган хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқдалар. Партия раҳбарлиги — маҳаллий Советлар иши муваффақиятининг гаровидир. Сўзнинг иш билан, қарорнинг ижро билан мустаҳкам бирлиги — партиянинг бутун фаолиятидаги асосий услубдир. Маҳаллий Советлар ўз ишларини шу услубга суянган ҳолда олиб боришлари лозим. Партия ташкилотлари эса уларнинг ишларини назорат қилиб, амалий ёрдам беріб туришлари керак. Советларнинг омма ўртасидаги ташкилий ва сиёсий ишларини янада юксак даражага кўтариш, уларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ошириш — район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи даражали вазифасидир.

Барча хўжалик ва сиёсий ишларнинг ҳамма участкаларида танқид, ўз-ўзини танқид ва аниқса қўйидан бўладиган танқидни янада ривожлантириш асосида ижрони текширишни юқори даражага, ташкилий ва раҳбарлик ишларининг муҳим қисми сифатида фахрли ўринга кўтариш — маҳаллий Советларнинг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзида

13 августда Ўзбекистон Совет ёзучилари союзининг республика ёзучилари учинчи с'ездида сайланган правлениесининг биринчи мажлиси бўлди. Правление Союз президиумини сайлади.

Ўзбекистон ССР Совет ёзучилари союзи президиумининг раиси қилиб Сталин мукофоти лауреати Абдулла Қаҳҳор, президиум раисининг ўринбосари қилиб В. Костря, мас'ул секретарь қилиб М. Муҳамедов сайландилар. (ЎзТАГ).

Пилла — давлатга

Тошкент области колхозлари такрорий қурт боқишдан олинган пиллани давлатга оммавий равишда топширишга киришдилар. Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик артелининг а'золари тайёрлаш пунктига 25 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 46 килограммдан пилла етказиб бериб, топширишни ҳозирдаёқ бажардилар. Колхозда А. Убайдуллаҳўжаева бошлиқ звено такрорий қурт боқишни энг муваффақиятли ўтказиб, планини икки баравардан ҳам ошириб бажарди.

Чиноз районидаги М. Горький номли колхознинг К. Хамраева бошлиқ звеноси ҳар қути қурт уруғидан 70 килограммдан пилла топширди.

Пландан ташқари 354 минг сўмлик маҳсулот

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги «Швейпромкомбинат» коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш билан бирга, унинг сифатини ҳам яхшилаш учун курашиб, юқори кўрсатгичларга эришмоқда. Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Комбинат коллективи 1954 йилнинг 6 ойлик планини 105,1 процент бажариб, пландан ташқари 354 минг сўмлик кенг ист'емол моллари тайёрлаб берди.

Актив жамоатчи хотин-қизлардан Ойниса Раззоқова раҳбарлик қилаётган 5-нчи тикув цехи ва Б. Белова бошчилигидаги 3-нчи цех коллективлари социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар. Бу ҳар иккала мусобақадош цех коллективи 7 ойлик топшириқни муддатидан илгари ошириб бажарди.

Комбинатнинг члғор ишчиларидан Н. Султонова, М. Саидхонова, М. Қориева, Е. Умнова, З. Мамедова каби ўртоқлар ўз ишларининг сифати билан ҳам миқдори билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлиб, ҳозир 1955 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Комбинат правлениеси (раиси ўртоқ Ойжамол Қодирова) ва партия ташкилоти (секретари Э. Акбаров) янги мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар

Шу кунларда комбинатнинг ишчи ва инженер-техник ходимлари қўлга киритган ютуқларни мустаҳкамлаб, Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейини меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини янада яхшилаш билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетида

Картошка, сабзавот ва меваларнинг мавсумли чакана нархларини жорий қилиш ва ўсимлик ёғи ҳамда сабзавот консерваларининг давлат чакана нархларини камайтириш тўғрисида

ССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети қайд қиладиларки, кечки картошка, сабзавот ва меваларнинг ҳозирги чакана нархлари мавсумлар бўйинча сотишда диференциация қилмасдан ва уларни сақлаш юзасидан бўладиган харажатларни ҳисобга олмасдан, бутун йилга белгиланган. Бу эса мазкур маҳсулотларни қиш-кўклам даврида сақлашда ва бутун йил мобайнида бу маҳсулотларни кўпроқ бир ме'ёрда тарқатишда колхоз, совхоз ва савдо ташкилотларининг етарли даражада манфаатдорлигини вужудга келтирмайди. Бу ҳол давлат савдосининг колхоз бозорларидаги нархларга иқтисодий та'сир кўрсатишини сусайтиришга олиб боради, шунингдек картошка, сабзавот ва меваларни қиш фаслида сақлаш имкониятига эга бўлган исте'молчиларни бу маҳсулотларни сақлашга рағбатлантирмайди.

Картошка, сабзавот ва меваларни қиш-кўклам даврида сақлашда ва йил мобайнида уларни бир ме'ёрда сотишда колхоз, совхоз ҳамда савдо ташкилотларининг манфаатдорлигини вужудга келтириш, шунингдек картошка, сабзавот ва меваларни қиш фаслида сақлаш имкониятига эга бўлган исте'молчиларни мазкур маҳсулотларни сақлаш юзасидан рағбатлантириш мақсадида, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети **қарор қилдилар:**

1. 1954 йилги картошка, сабзавот ва мева ҳосили юзасидан иккинчи пояс учун қуйидаги мавсумли чакана нархлар белгилансин:

(1 сортнинг ҳар кг учун сўм ва тийин ҳисобида)

	20 сентябрьдан 1 ноябрьгача	1 ноябрьдан 1 мартгача	1 мартдан
Кечки картошка	0.45	0.60	0.80
Кечки отбор картошканинг (3 кг қилиб пакетга солинган) бир пакети учун	2.00	2.40	3.00

	6 октябрьдан 1 ноябрьгача	1 ноябрьдан 1 мартгача	1 мартдан
Бош пиёз	1.75	2.00	2.30
Кечки янги карам	0.70	1.00	1.40
Кечки сабзи	0.65	0.95	1.20
Кечки лавлаги	0.45	0.70	0.90

	6 октябрьдан 1 мартгача	1 мартдан
Тузланган карам	0.85	1.10

	16 августдан 1 мартгача	1 мартдан
Нежинский тузланган бодринг тузланган майда бодринг	2.75	3.00
Нежинский тузланган бодринг Тузланган йирик бодринг ва «Полуволянка»	2.25	2.50
Нежинский тузланган бодринг «Водянка» ва бошқа ботаник сортларининг қаймаси	1.50	1.75
Тузланган нимранг ва қизил помидор	1.00	1.75
Тузланган кўк помидор	0.75	1.00

	15 октябрьгача	15 октябрьдан 1 декабрьгача	1 декабрьдан 1 февральгача	1 февральдан
I-нчи группа олма	3.90	6.00	6.50	7.00
II » »	3.20	5.00	5.50	6.00
III » »	2.60	4.00	4.50	5.50
I-нчи группа нок	4.80	6.50	7.50	8.00
II » »	4.20	6.00	6.50	7.00
III » »	3.50	5.00	5.50	6.00

	15 октябрьгача	15 октябрьдан 1 декабрьгача	1 декабрьдан
I-нчи группа узум	9.00	9.50	11.00
II » »	6.60	8.00	8.50
III » »	4.80	6.50	7.00

	1 октябрьдан 1 февральгача	1 февральдан
Апельсин	11.00	16.50

	1 октябрьдан 1 январьгача	1 январьдан
Мандарин	7.00	9.50
Лимон (доналаб) диаметри 70 мм дан ва бундан каттаси	5.00	5.50
Диаметри 70 мм дан кам 60 мм гача	3.00	3.50
Диаметри 60 мм дан кам 51 мм гача	2.25	2.75
Диаметри 51 мм дан кам 45 мм гача	1.50	2.00
Диаметри 45 мм дан кам 42 мм гача	0.75	1.25

	1 апрельдан 1 октябрьгача	1 октябрьдан
Банан	9.50	11.00
Ананас	15.40	16.50

	15 августгача	15 августдан 15 сентябрьгача	15 сентябрьдан 15 октябрьгача	15 октябрьдан
Тарвуз	3.00	2.00	1.00	2.00
Ўрта Осиё қовунлари	5.00	4.50	2.50	5.00
Бошқа районларнинг қовунлари	4.00	3.50	2.00	4.00

Бошқа поселар учун картошка, сабзавот ва меваларнинг мавсумли чакана нархлари иккинчи поселаги нархларга мувофиқ белгилансин.

2. 1954 йил 1 октябрьдан бошлаб ўсимлик ёғи, сабзавот консервалари ва янги музланган кўк ўзатишнинг давлат чакана нархлари ўрта ҳисобда 12,5 процент камайтирилсин, ва бу билан картошка, сабзавот ҳамда мева мавсумли нархларининг жорий қилинишидан аҳолининг кўриш ихтимоли бўлган зарари ортиғи билан қоплансин.

3. Республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, областлар ва республика аҳамиятига эга бўлган шаҳарлар меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари нархлари ушбу Қарорда кўрсатилмаган сабзавот, мева ва резавор экиларининг мавсумли чакана нархларини сабзавот ва меваларнинг асосий турлари бўйича белгиланган нархларга мувофиқ белгиласинлар, Бунда тайёрлаш ва сотиб олиш нархлари ҳамда ташиш, сақлаш ва реализация қилиш харажатлари ҳисобга олинсин.

4. Республикаларнинг савдо министрликларига, ўлка ва область савдо бўлимларига ҳамда республика аҳамиятига эга бўлган шаҳарларнинг шаҳар савдо бўлимларига кечки картошка ва сабзавот барвақт кўпроқ олинабошлайдиган районларда мазкур маҳсулотларнинг мавсумли нархларини жорий қилабошлаш муддатларини анча барвақт белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Чили шоири Пабло Нерудага „Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Сталин мукофотининг топширилиши

БУЭНОС-АЙРЕС, 12 август. (ТАСС). 11 августда Сант-Яго шаҳридаги «Савой» гостиницасида Чили ёзучиси, адабиёт бўйича миллий мукофот лауреати Фернандо Сантиван раислигида кўзга кўрингган жамоат арбоби, шоир **Пабло Нерудага** «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофотини топшириш маросими ўтказилди.

Мукофот топшириш маросимида Чили конгрессининг радикал ва социалистик партиялар ва меҳнат партиясидан сайланган сенаторлари ва депутатлари, мустақил депутатлар, университет ўқитучилари, ёзучилар ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари ҳозир бўлдилар. Депутатлар палатасининг раиси Бальтасар Кастро, Чили ёзучилари касаба союзининг раиси Бенедикто Чуаки, тинчликни ҳимоя қилучи Чили комитетининг раиси полковник Альфредо де Амести, сенатор ва ҳуқуқ профессори Луис Кинтерос Трикот, радикал-депутат Эрмес Аумада табрик нутқлари сўзладилар. Улар тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун кураш да Неруданинг ролини та'кидладилар.

Халқаро Сталин мукофотлари Комитети номидан совет ёзучиси И. Г. Эренбург сўзлади. У, ҳозирги замонининг буюк шоири Пабло Нерудага тўғрисида, унинг адолат, тинчлик ва халқлар қардошлиги идеалларини куйловчи ажойиб шеъ'лари ва поэмалари тўғрисида самимий сўзлади. Эренбург Нерудага мурожаат қилиб бундай деди: «Мен Сиз орқали меҳнатсевар тинчликсевар ва дадил халқингизни бутун совет халқи номидан ҳам табриклашни истайман. Чили халқи ўз эркини, ўз мустақиллигини қандай қадирлаётганлигини биламиз. О'Хиггинс ва Сан-Мартин кунларидан тортиб ҳозирги кунгача бўлган ҳамма воқиалар бизнинг эсимиздадир. Чўлларни бойлик манбаига айлантирган, инсониятга ғўзал ёзучиларни тайёрлаб берган ва энг оғир шароитда ўзининг миллий маданияти ҳамда ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқ, — озодлик ва бахт ҳуқуқини олишга сазовор бўлган катта халқ эканлигига ишонамиз.

Сиз ўз асарларингизда ўз халқингизга қардош бўлган халқлар ажойиб маданий гавҳарларни қандай вужудга келтираётганлигини ва ўз маданияти учун, ўз юртининг эгаси бўлишдан иборат муқаддас ҳуқуқ учун қандай курашаётганликларини кўрсатиб бердинг. Ҳозирги кунда аргентиналилар ва бразилиялилар, Мексика ҳамда Уругвайда яшовчи кишилар, Латин Америкасидаги барча республикаларнинг ватанпарварлари Чили аҳолиси билан бирга қувонмоқдалар. Улар шуни яхши биладиларки, тинчлик душманлари ҳарқанча кучлик бўлганида ҳам, бирон республиканинг бошидан ҳарқанча оғир машаққат кечганида ҳам, ҳақиқат тантана қилади ва Латин Америкасидаги бир, юз етмиш миллион граждани уларнинг традициялари, ақлидроки, виждони талқин этган равишда яшаш ҳуқуқидан ҳечким маҳрум эмаолмайди».

Пабло НЕРУДА.

Илья Эренбург шуерда ҳозир бўлган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида Нерудага халқаро Сталин мукофоти лауреати дипломини ва олтин медалини топширди Пабло Неруда жавоб нутқи сўзлади. Унинг бу нутқи зўр э'тибор билан тингланди.

ПАБЛО НЕРУДА НУТҚИ

«Қадрли дўстлар! Илья Эренбург «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофотини менга топшириш мақсадида қит'ани кесиб ўтди. Мен шу тўғрида унга илтимос билан мурожаат қилганимда унинг банд эканлигини, ёзучининг буюк ва шонли ҳаёт кечираётганлигини билар эдим. Аммо, агар мен бу мукофотни унинг қўлидан қабул қилиб олганимда, бу — ўз халқим учун ва ўз ватаним учун иккиёқлама шараф бўлади деб ўйлаган эдим. Бу мукофот шу вақтгача қит'амизнинг ба'зи вакилларигагина берилган эди ва булар орасида буюк ашулачи Поль Робсон ва йирик ёзучи Жорж Амаду бор...

Америка халқларининг миллий мустақиллик учун кураши давом этмоқда. Эренбург О'Хиггинс, Сан-Мартинларнинг номини тилга олди. Булар денгизлардан тортиб тоғ чўққиларигача чўзилган тинчликсевар ватанларимизни барпо қилган эдилар. Улар барча мамлакатлар халқларимизни ва маданиятимизни, урф-одатларимизни ва байроқларимизни ҳурмат қилишларини истар эдилар. Латин Америкасининг халқлари бу курашни давом этдирмоқдалар. Латин Америкасининг иззат-ҳурматини ҳимоя қилиб, қурбон бўлган ном'лум қаҳрамонлар кўпдир. Латин Америкасининг халқлари ана шу иззат-ҳурматни баланд кўтариш учун тинчлик йўлида кураш олиб бормоқдалар ва қон ҳамда душманлик уруғини сочучи кишиларга нафрат билан қарамоқдалар. Агар менинг поэзиям ана шу туйғуларни акс этдириб, шеъ'ларимнинг сатрларида равшанлик ва муҳаббат бор экан, бунга сабаб шуки, мен юртимнинг хис-туйғуларини бирор даражада бўлса ҳам акс этдираолдим ва ўз ватанимнинг оддий жангчисиман.

Совет Иттифоқида олижаноб совет халқи мени зўр ҳурмат, самимийлик, меҳмондўстлик ва муҳаббат билан дўстона кутиб олди. Барча уйларнинг эшиклари менинг қаршимда очиб қўйилган эди, мен буюк қурилишларни ва ғўзал поэзияни кўрдим. Мен шуни айтаоламанки, замондошим бўлган шоирлар билан бирга Пушкин ва Маяковскийлар ҳам совет мамлакатининг бутун улуғворлигини кўрсатиб бериш учун мени кутар эдилар. Мен буни эсдан чиқараолмайман. Агар биз худди шундай ҳурмат билан жавоб қайтараолмаган бўлсак, Чилининг халқи ва маданияти Совет Иттифоқининг вакилига нисбатан ўзининг самимий ҳурматини турли шакларда ифода этди. Дўстлик вакилларини, шу вакиллар сазовор бўлган суратда муносиб кутиб оладиган кун келади. Ўша пайтда бизнинг орамизда халқлар ўртасидаги қардошликка путур етказишга интиладиган ёлланган қора кучлар, алдамчи газандалар бўлмайди.

Мен «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Сталин мукофотини қабул қилиб ва ана шу олий мукофот учун ташаккур изҳор қилиб, менинг ҳаётим, менинг сўзим, менинг поэзиям, кучим бор қадар, ёруглик, қувноқлик, кураш ва муҳаббат келтиради, деб яна бир марта ишонтириб ўтаман. Бизнинг замонамизда бу нарса шоирларнинг шарафли ишидир».

Ўзбекистон Совет ёзучиларининг учинчи с'езди

12 август куни кечқурунги мажлисда Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи Президиумининг ҳисобот докладини муҳокама қилиш давом этди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан **Раҳмат Файзий** ёзучиларнинг бадиий маҳоратини оширишдаги ба'зи масалаларга тўхталиб ўтди.

СССР Совет ёзучилари союзи правлениесининг секретари **Н. С. Тихоновга** сўз берилди. У с'езд қатнашчиларига СССР Совет ёзучилари союзи правлениеси номидан салом топширади.

— Халқ учун ишлаш истаклари блан ижод қилаётган совет ёзучилари, — деди Н. Тихонов, — ўз с'ездларига — иккинчи Бутуниттифоқ с'ездига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз уни шундай ўтказайлики, у, чиндан ҳам совет адабиётини ривожлантириш йўлида янги муҳим давр бўлсин.

Биринчи с'ездан кейин ўтган 20 йил ичида бизнинг адабиётимизга янги, ёш кучлар келиб қўшилди. Ажойиб асарлар яратилди. СССР халқларидан ба'зиларининг революциягача ҳатто ўз ёзувига эга бўлмаган халқларнинг адабиёти ўсди ва мустаҳкамланди. Бизнинг кўпмиллатли совет адабиётимиз дун'ёда энг илғор адабиёт бўлиб қолди.

Ҳаёт жуда илгарилаб кетди, биз шу 20 йил ичида ўсдик, биз бошқача кишилар бўлиб қолдик ва бизнинг атрофимиздаги нарсалар ҳам ўзгарди. Бизнинг с'ездимиздаги меҳмонлар ҳам бугал бошқачароқ бўладилар — с'ездимизга халқ демократияси мамлакатларининг ёзучилари, Хитой, Ҳиндистон ёзучилари меҳмон бўлиб келадилар, я'ни Горький биринчи с'езддаёқ башорат қилиб айтган нарсалар юз беради. Бу курашчи — ёзучилар, тараққийпарвар арбоблар совет адабиётидан ўрганишни, бу адабиёт тўплаган тажрибалардан баҳраманд бўлишни истайдилар. Шу сабабли бизнинг зиммамизга жуда катта мас'улият юкланади.

Биз ўз адабиётимизнинг энг муҳим проблемалари тўғрисида гапиришимиз, совет адабиётининг сўнгги 20 йил мобайнида босиб ўтган йўлини кўрсатиб беришимиз, бутун жаҳон олдида ўз муваффақиятларимиз блан, энг муҳими совет адабиёти заминида ётган буюк ҳақиқият блан намоён бўлишимиз лозим.

Ўзбекистон ёзучиларининг учинчи с'езди бизнинг катта совет маданиятимизнинг отрядларидан бири бўлган ўзбек адабиётининг муваффақиятларига якун ясаш учун тўпланди. Бундан ташқари биз ўз камчиликларимизни коллектив бўлиб аниқлаш ва уларни келгусида тугатиш учун тўпладик.

Биз биринчи Бутуниттифоқ с'ездида биринчи марта тўпланган эдик. У вақтда бутун адабиётимизнинг тарихи ҳали унчалик катта эмас эди. Лекин ҳозир орадан 20 йил ўтди, биз энди бир-биримизни яхши таниб олдик, энди биз биринчи марта учрашаётганимиз йўқ, энди биз шу давр ичида нима ишлар қилинганн тўғрисида бир-биримизга ахборот беришимиз лозим. Бахс, албатта, статистика учун бўлмайди, бу бахс совет адабиётининг жаҳонга нималар бергани тўғрисида, адабиётимизни бошқа адабиётлардан фарқ қилдиручи фазилатлар тўғрисида бўлиши керак.

Биз, Совет Иттифоқи қардош республикалари адабиётининг вакиллари сизнинг с'ездингизда қатнашатуриб, ягона оила ҳисси, бир-биримиз тўғрисида ташвишланиш ҳисси, сизнинг ижодий ишингизни ўзгуксиз билиш ҳисси — ягона ҳис, табиий ҳис бўлиб қолганини сезиб турибмиз.

Совет Ўзбекистонининг адабиёти кўпмиллионли совет китобхонларининг мулки бўлиб қолди. Ўзбек ёзучиларининг энг яхши китоблари кўп тилларда босилиб чиқди. Китобхонлар янги, ёрқин асарлар кутмоқдалар. Афсуски, бундай асарлар камдан-кам пайдо бўлаётир.

Ёзучи янги асар яратаётганда шошмаслиги керак. Бунинг аксича, ёзучи совуққонлик блан адабиётни яратиб бўлмайди. Ёзучи бизнинг атрофимизда ижодий, қувноқ ҳаёт мавж уриб турганини кўрар экан, ундан четланиб қолмаслиги лозим. Воқ'елигимизнинг табиий картиналарини чизиб бериш, тақлид қилса арзийдиган образлар яратиш, бизнинг давримизни сра унутилмайдиган қилиб акс эттириш — бениҳоя улуғвор вазифадир.

Ўзбекистон Совет республикаси, — деб давом этади Н. Тихонов, ўзининг ўттиз йиллик юбилейига яқинлашмоқда. Бу юбилей республиканинг ўттиз йил ичида эришган муваффақиятларига кўрик бўлади. Сиз шу кунларда ўз ёшлик чоғингизга беихтиёр назар ташласангиз ва уни эслосангиз, атрофтеваракда ҳамма нарсаларни ўзгариб кетганини кўрасиз. Сиз бу нарсаларнинг ҳаммасини курашлар блан қўлга киритилганини эслайсиз. Сиз кўп нарсаларни эслайсиз ва олдий кишиларнинг жуда ажойиб ўзгаришлар қилганликларини, бу кишиларнинг мутлақо оддий эмасликлари ни пайқайсиз. Демак, бизнинг кишиларимиз ҳам ўзгарди, улар энди Ҳамза ўз курашни бошлаган йилларда ги кишилар эмас.

Худди ана шу бугунги бахт-саодатимизнинг ижодкори тўғрисида, ишчилар синфи тўғрисида ва ишчилар синфининг янги кишиси тўғрисида ҳалигача йирик асарлар яратилгани йўқ. Вахоланки, бизга бундай китоб жуда зарур.

Ёзучининг ҳаёт ичига кириб бориши блан дун'ёни социалистик, революцион сезиш ва билиш ўртасида тўғри алоқадорлик бор. Чунки, ёзучи ёки поэт ана шу дун'ёни сезиш ва билиш блан бирга ҳаракат қилади ва сўзлайди. Бу — адабиётдаги шундай жанговар партиявийликки, бу партиявийлик бизга ижод қилишимиз учун куч-қудрат беради. Лекин бу партиявийлик туйғу ва ҳисларни талаб қилади, нафрат ва муҳаббатни талаб қилади, бутун кучни бағишлашни талаб қилади. Масалан, Николай Островскийнинг китоблари, айниқса Пётр Павленконнинг «Тинчлик меҳнаткашлари» деган ва тугалланмасдан қолган ажойиб романини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу китобларнинг партиявий кучи бениҳоядир, уларнинг ёш авлодга та'сири жуда кучлидир. Биз бундай китобларни кўпроқ яратишимиз керак.

Ёзучининг ўзи ҳам ҳаётнинг ичига чуқур кириб бориши лозим. Унга буни ҳечким эслатиб ўтмаслиги керак. Ёзучи учун шахсий ташаббус кўрсатиш шарт-дир. Бундай ёзучининг ажойиб намунаси Маяковскийдир. Уни ҳечким Америкага юборгани эслатиб ўтмасдан, ҳечким унга Америка капитализми тўғрисида ше'р заказ қилгани йўқ. Лекин шунга қарамасдан у шундай ше'рни ёзди. Биз ана шу асарларнинг қанчалик кучли, қанчалик башорат беручи эканлигини яхши биламиз...

— Қозоқларда «агар паҳлавон туғмоқчи бўлсанг, йўрғакликни алма» деган яхши мақол бор, — деди Н. Тихонов. Бу гап ёзучига ҳам бутунлай тааллуқлидир. Маҳоратни тинмай мукаммаллаштириб бориш даркор бўлиб қолса ўз асарларини икки, уч, тўрт марталаб кўчириб ёзиш зарур. Китобхон бадиий жиҳатдан етук, кучлик асарга эга бўлиши керак.

Н. Тихонов смена тайёрлашнинг муҳимлигини, ёш талантларга муҳаббат блан қарашнинг зарурлигини қайд қилиб ўтди. Шунга эришайликки, ёш ёзучилар кўп бўлсин, — деди у, — уларнинг ўсишларини кузатиб туриш, уларнинг изланишларига йўлланма бериш лозим. Ёш ёзучини тарбиялашда, айниқса унинг ўсишида газетанинг аҳамияти жуда каттадир.

Н. Тихонов шундан кейин болалар учун кўп ва яхши асарлар ёзиш тўғрисида гапириб, адабиётнинг ёш авлодни тарбиялашда кучли воситa эканлигини та'кидлайди.

Н. Тихонов ўз нутқининг охирида ёзучилар союзида ташкилий ишларни яхшилаш масаласига тўхталди.

Ёзучилар с'ездида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ **Ҳ. Ғуломов** нутқ сўзлади.

— Ўзбекистон Совет ёзучиларининг учинчи с'езди, — деди Ўртоқ Ғуломов, — кўпмиллионли, кўпмиллатли совет халқи Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида партия кўрсатмаларини, КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорларини муваффақият блан амалга ошираётган тарихий кунларда ўтмоқда.

Совет халқи социалистик қишлоқ хўжалигини ҳартарафлама юксалтириш учун, экономика ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини янада юксалиши учун муваффақият блан кураш олиб бормоқда.

Партия ва Ҳукумат қарорларини, шу жумладан ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР да 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини бажариш республика партия ва давлат аппаратининг барча звенолари фаолиятини, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни, бутун идеология ишини, шу жумладан адабиётни анча яхшилашни талаб этади.

Бизнинг партиямиз бадиий адабиётга, унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситасига айлантиришга ҳамавақт зўр э'тибор бериб келди. Совет жамияти тараққиётининг барча этапларида адабиёт бизнинг Ватанимизни социалистик қайта қуриш учун курашда партия ва Совет давлатининг содиқ ёрдамчиси бўлди.

Бизнинг адабиётимиз халққа онгли хизмат қилишдан, Коммунистик партия ва Совет давлатининг совет халқи, ва бутун прогрессив кишиликнинг туб манфаатларини ифодалаган сиёсатидан куч ва илҳом олади.

Коммунистик партиявийлик принципи —социалистик реализм адабиётининг муқаддас, бузилмас принципидир. Партиявийлик принципи бизнинг эиммамизга марксча-ленинча эстетика масалаларидаги бузилишларга қарши кун сайин кураш олиб бориш, социалистик реализм методидан ҳарқандай четга оғишларга қарши кураш олиб бориш мажбуриятини юклайди.

Ўзбек совет адабиёти социалистик реализм методига амал қилиб, рус классикларининг, рус совет ёзучилари ва СССРдаги қардош халқлар ёзучиларининг тажрибаларига таяниб, сўнгги иккинчи с'ездан буён ўтган сўнгги ўнбеш йил ичида қаттагина муваффақиятларга эришди. Унинг сафларига янги талантли ёзучилар келиб қўшилди. Бу ёзучилар ҳархил жанрларда қалам тебратмоқдалар. Ўзбек совет адабиётининг асосий ютуғи шундаки, сўнгги йилларда бадиий проза, унинг етакчи жанри бўлиб қолди. Бу жанрда Ўзбек халқининг ҳаётини акс эттирадиган катта бадиий полотнолар яратилди.

Кўпгина прозаик асарлар КПСС Марказий Комитетининг идеология масалалари тўғрисидаги тарихий қарорларидан кейин яратилди ва улар жуда муҳим темаларда, айниқса колхоз қурилиши темасида ёзилди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари оддий совет кишиларидир. Меҳнатсевар ватанпарварлардир. Социалистик қишлоқ хўжалигининг илғорлари ва новаторларидир, мўл-кўл пахта етиштирувчи юқори ҳосил усталаридир.

Ўзбек поэзиясида ҳам жиддий силжиш сезилди. Ўзбек драматурглари ма'лум муваффақиятларга эришдилар. Еш ёзучилар отряди ўсди, болалар учун кўпгина китоблар яратилди.

Ўзбек совет адабиётининг шак-шубҳасиз муваффақиятларини та'кидлаш блан бирга, шуни та'кидлаш зарурки, унинг тараққиёти совет халқининг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан ҳали ҳам орқада қолмоқда, бу кунинг талабларига ҳали ҳам тўла жавоб бераолмаётир.

Аввало ёзучилар яратаётган асарларнинг тематикаси торлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Ўзбекистон ишчилар синфининг ҳаёти, бу ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар блан иттифоқи, ленинча-сталинча миллий сиёсатни ва унинг самараларини Ўзбекистон мисолида пропаганда қилиш каби муҳим темалар ўзбек адабиётида ҳали ҳам ўзининг мукаммал бадиий ифодасини топганича йўқ.

Бизнинг шон-шуҳратли совет интеллигенциямиз, — кўпмиллионли ўқитучилар, врачлар, агрономлар, инженерлар ва техниклар армиясининг, ўз ватанпарварлик бурчларини ҳалол бажараётган кишиларнинг ҳаёти кам ва бўш ёритилмоқда.

Колхоз қишлоғи ҳаётига бирмунча асарлар бағишланган бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳаммасини ҳам юксак бадиий ва ғоявий савияда деб бўлмайди.

Ўзбек совет адабиёти асарларининг кўпгина камчиликлари типиклик масаласини нотўғри тушиниш блан алоқадордир. Маш'ум «конфликтсизлик назарияси» адабиётимизга катта зиён етказди, бу «назария» таниқ ва ўз-ўзини таниддан чўчишга асосланган дир.

Ўзбек совет адабиётининг асарларининг кўпгина камчиликлари бадиий маҳорат проблемаси блан боғлиқдир. Шуни очиқ айтиш керакки, кўпгина ёзучиларнинг профессионал савияси ҳали ҳам паст, уларнинг марксча-ленинча эстетика соҳасидаги билимлари етарли даражада эмас. Ёзучиларимиз рус классик ва совет адабиётининг ажойиб тажрибаларини чуқур ўрганмаётирлар. Бизнинг ёзучиларимиз аксари вақт ўз асарларининг тили устида қунт блан ишламайдилар, персонажларнинг нутқини индивидуаллаштиришни билмайдилар.

Рус ва жаҳон адабиёти классикларининг асарларини, совет ёзучиларининг энг яхши китобларини бадиий таржима қилиш ҳозиргача плансиз, уюшқоқсизлик блан олиб борилмоқда. Ўзбек фольклорининг бадиий бойлиги етарли даражада ўрганилмаётир.

Адабий танқид ўзбек совет адабиёти тараққиётининг процессини чуқур ва ўз вақтида таҳлил қилишнинг удласидан чиқмаётир. Матбуотда пайдо бўлаётган бир қатор мақола ва рецензияларнинг савияси паст. Гоҳо шундай танқидий мақолалар ҳам босилиб чиқмоқдаки, ularда совет адабиётининг ижодий методи — социалистик реализм бузиб, нотўғри тал. қин этилмоқда. Энг катта хатолардан бири шундаки, ўзбек совет адабиёти танқидий реализм босқичидан ўтди деган «назария» ҳали ҳам ҳукм сурмоқда. Марксистик нуқтаи назарга ҳилоф бўлган бундай қараш Ҳ. Ёқубовнинг «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Ўзбек поэзияси ва прозасида социалистик реализм методи тўғрисидаги масала юзасидан ба'зи мулоҳазалар» деган мақоласида илгари сурилди. Танқидий реализм адабиётининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у эксплуататор тузумнинг қатламларини емириб ташлашга хизмат қилган адабиётдир. Совет адабиёти, шу жумладан Ўзбекистон адабиёти эса ўзи яратилгандан бошлабоқ пролетар ишининг бир қисми сифатида социалистик устқурмани, социалистик тузумни мустаҳкамлаш учун хизмат қилишга да'ват этилган қудратли социалистик устқурманинг бир қисми сифатида шаклланмоқда.

«Шарқ юлдузи» ва «Звезда востока» журналлари адабий танқидчиликни ривожлантиришга суст ёрдам бермоқдалар. Журнал редакцияларининг фаолиятида ёзучилар блан коллегиал бўлиб ижодий ишлаш кўринмаётир. Журнал редколлегиялари Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюросининг 1951 йил 8 апрельда «Шарқ юлдузи» ва «Звезда востока» журналларининг иши тўғрисида» деб чиқарган қароридан хулоса чиқариб олгаплари йўқ.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи президиуми ва союзнинг бошланғич партия ташкилоти ёзучиларнинг ижодий ишини ташкил қилаолмадилар. Ижодий секцияларнинг фаолиятига жонли, коллектив раҳбарлик қилиш хилма-хил резолюциялар, планлар, протокольлар тузиш каби бюрократик метод блан алмаштирилди. Бунинг устига ана шу резолюция, план ва протокольларнинг ижроси текширилмади.

Ўзбекистон совет ёзучилари союзининг раҳбарлари айрим ҳолларда танқидни менсимадилар, союзнинг оддий а'золари баён қилган фикрларга қулоқ солмадилар.

Агар биз кадрларни сақлаб қолиш, ўқитиш ва тарбиялашни истар эканмиз, — деди Ўртоқ Ғуломов, — биз бирор кимсани хафа қилишдан, очиқ танқиддан қўрқмаслигимиз лозим. Танқид бўлмаса ҳарқандай ташкилот, шу жумладан ёзучилар ташкилоти ҳам чиримбошлайди. Ижодий секция ва комиссияларнинг ишини жонлантириш, ижодий дискуссияларни авж олдириш лозим.

Ўртоқ Ғуломов шундан кейин ёзучи учун илғор дун'ёқарашнинг аҳамияти тўғрисида сўзлайди. Марксча-ленинча назарияни ижодий суратда эгаллаш ёзучиларга ҳаётни унинг революцион ривожланишида ҳаққоний ва рўй-рост кўрсатиш, халқлар тарихини бадиий куч блан илмий асосда акс этдириш, халқнинг бугунги кунини кўрсатиш, эртанги кунини кўрабилиш имкониятини беради.

Киши руҳининг инженери турмушда ҳалол бўлиши, ичкиликка, безориликка қарши, хотин-қизларга нисбатан бойфеодалларча муносабатда бўлишга қарши курашиши, диний сарқитларга қарши фақатгина ўз асарларида эмас, шу блан бирга ўз ҳаёти ва ишида ҳам қат'ий кураш олиб бориши керак.

Совет ёзучиларининг партия ташкилоти ва коммунист бўлган ёзучилар совет адабиётининг келгусидаги тараққиётида жуда муҳим роль ўйнайдилар. Коммунист ёзучилар адабиётда партия йўли учун курашучилар, оммани, актив тарбияловчилар бўлишлари лозим.

Адабиёт халқ талаблари даражасида бўлиши, халқнинг дидини ошириши, унинг талабларини яна ҳам юқори кўтариши керак. Кимки, халқ блан боришга, унинг ўсиб бораётган талабларини қондиришга қодир эмас экан, кимки, совет маданияти тараққиётининг вазифалари ҳақидаги билимлари етарли даражада эмас, ёзучиларимиз рус классик ва совет адабиётининг ажойиб тажрибаларини чуқур ўрганмаётирлар. Бизнинг ёзучиларимиз аксари вақт ўз асарларининг тили устида қунт блан ишламайдилар, персонажларнинг нутқини индивидуаллаштиришни билмайдилар.

Рус ва жаҳон адабиёти классикларининг асарларини, совет ёзучиларининг энг яхши китобларини бадиий таржима қилиш ҳозиргача плансиз, уюшқоқсизлик блан олиб борилмоқда. Ўзбек фольклорининг бадиий бойлиги етарли даражада ўрганилмаётир.

Адабий танқид ўзбек совет адабиёти тараққиётининг процессини чуқур ва ўз вақтида таҳлил қилишнинг удласидан чиқмаётир. Матбуотда пайдо бўлаётган бир қатор мақола ва рецензияларнинг савияси паст. Гоҳо шундай танқидий мақолалар ҳам босилиб чиқмоқдаки, ularда совет адабиётининг ижодий методи — социалистик реализм бузиб, нотўғри талқ

Августнинг қолган кунларида ҳам ғўза парваришини қизғин давом этдирайлик!

☆ ☆

Оққўрғонда ғўза парвариши сусайтириб юборилган

Биз мусобақадош Андижон область вакиллари блан биргаликда Тошкент областидаги юқори ҳосилли районлардан бири — Оққўрғон райони колхозларида социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганини, ғўза парваришининг боришини текшириб чиқдик.

Оққўрғоннинг илгор пахтакорлари бу йил мамлакатга 3 миллион тонна пахта етиштириб бериш каби катта вазифани бажаришга ўз ҳиссаларини қўшиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Тельман номли колхознинг звено бошлиғи, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси Маманота Кўлдошев ва Цой Сергей ўртоқларнинг далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. «Ленинобод» колхозининг 3-нчи ва 5-нчи бригадаларида, иккинчи МТС зонасидаги «Сталинчи» ва Охунбобоев номли колхозларнинг 1—2 ва 5-нчи бригадаларида пахтакорлар механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб мўл ҳосил тўплашга эришдилар. Уста пахтакор Маманота звеносида ғўза бўлиқ, салмоқли бўлиб етишди. Звено а'золари ғўзани меҳр блан парвариш қилмоқдалар.

Биз илғор механизаторлар, мингтектарчилар ҳаракатига қўшилган универсалчилар ва тажрибакор пахтакорлар меҳнатининг самарасини кўриб хурсанд бўлдик ва уларнинг тажрибаларини ўргандик. Қуйбишев қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда 1-нчи МТС механизаторлари квадрат шаклида, я'ни далани узунасига ва кўндалангига ишлашни қолдирмоқдалар.

Лекин, Оққўрғон районидаги биз бўлган кўпгина колхозларда ғўзаларда тўпланган ҳосил олинган социалистик мажбуриятга яраша эмас. Парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ўсишдан орқада қолган кўпгина ғўзалар ҳам бор. Ғўза комплекс парвариш қилинмаган. Хотиржамлик, дам олиш кайфияти ҳукм сурмоқда. Бундай ҳол райондаги ҳар иккала МТСда ҳам бор. Ба'зи трактор бригадалари «планни бажардик» деб ишни бўшаштириб юборганлар. Ба'зилари эса, «ғўза ўсиб кетди» деб универсалдан унумли фойдаланмаётирлар. Бундай ҳоллари «Сталинобод», Молотов номли, Калинин номли колхозларда кўрдик. 1-нчи МТСнинг 8-нчи трактор бригадасида 13-нчи ва 82-нчи трактор, 2-нчи МТСнинг 1-нчи трактор бригадасида 51-нчи трактор ишламай тўхтаб ётипти. Улар хизмат қилаётган «Сталинобод» ва Калинин номли колхозлардаги суғорилган ғўзаларнинг қатор оралари оқариб кетган, ғўза томирлари зararланган.

Шуни алоҳида та'кидлашимиз керакки, райондаги илгор деб ном чиқарган колхозлар ғўза қатор ораларини ишлашни бўшаштириб юборганлар. Масалан: юқори ҳосилли «Ленинобод» колхозида ғўза парваришни сусайган. Колхоз раҳбарлари (раис Юнусов, партия бюросининг секретари Халилов) «Ҳосил етарли бўлиб қолди» деб хотиржамлик кайфиятига берилиб, ғўза парваришини қучайтириш тадбирларини кўрмаётирлар. Колхозчиларнинг бир қисми дала ишидан четда. Холхўжаев бошлиқ 4-нчи бригада ишни кечикиб бошлади. 32 колхозчидан фақат 18 таси ишламоқда. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам хотиржамлик ҳукм сурмоқда.

Ғўза чеканкаси сифатсиз ўтказилмоқда. Ер ўсув шохлар чеканка қилинмаган, унумсиз шохлар олиб ташланмаган.

Чопиқ, суғориш, культивация қилиш ишлари, айниқса, ўсишдан орқада қолган ғўзаларнинг парвариши яхши ўюштирилмаган. Юқоридаги фактлар Ворошилов номли, Тельман номли колхозларда ҳам учрайди. Райондаги 2,5 минг гектар ердаги ғўза ўсишдан орқада қолган. Эндигина шона ва гуллаш даврини кечираётган 413 гектар экин майдони бор. 1,5 минг гектар майдондаги ғўзанинг 1—2 тадан кўсаги бор, холос. 3000 гектар ердаги ғўзаларда эса фақат 2—3 тадан кўсак бор. 1-нчи МТС зонасидаги «Сталинобод», Навоий номли колхозларда, 2-нчи МТС зонасидаги Калинин номли, Жданов номли колхозларда сентябрь ойида ҳосил берадиган кўсаклар йўқ деса бўлади.

Ўсишдан орқада қолган ғўзаларни етилтириб олиш чоралари кўрилмаётир. Масалан, «Сталинобод» колхозининг раиси Қаҳрамонов ва партия ташкилотининг секретари Ашуров ўртоқларнинг бепарволиги натижасида ба'зи бригадаларда ғўза парвариши тўхтаб қолган. Колхознинг 1—3 ва 4-нчи бригадаларида, айниқса аҳвол оғир. 3-нчи бригада бошлиғи Улуғбоев меҳнатни ташкил қилишга мас'улиятсизлик блан қараган. Биз борган куни шу бригада даласида битта ҳам колхозчи ишламади .66 гектар ерни ўт босиб кетган. Чеканка тугалланмаган. Ҳашарот пайдо бўлган жойларда ғўзалар ҳосилини йўқотмоқда. От-улов кучидан фойдаланилмайди. Трактор паркининг кейинги 5 кунликдаги иши белгиланган топшириқнинг ярмидан ҳам оз. Шу МТС зонасидаги Навоий номли, Молотов номли колхозларда ҳам аҳвол яхши эмас.

Районда ғўза парвариши ёмон бораётган қолоқ колхозларга алоҳида э'тибор берилмаётир. 2-нчи МТС зонасидаги Калинин номли колхоз (раиси Ўртоқ Аҳмедов), Каганович номли (раиси—Негай), Жданов номли колхозларда аҳвол жуда ҳам ачинарли. Ғўзалар ҳосилдан қолган, ўт босиб кетган. Бунинг устига сувсизликдан шона ва гуллар, ҳатто кўсаклар тўкилиб кетмоқда. Калинин номли колхознинг 4,7 ва 8-нчи бригадаларида парваришсиз ташлаб қўйилган ғўзалар бор. Каганович номли колхознинг 4, 5, 12-нчи бригадаларда ғўзани ёввойи ўт ўраб олган. Бу бригадаларда ғўза кўсаклари тўкилабошлаган. Бундай аҳвол Калинин номли колхозда ҳам бор. Бу ерда кўзбўямачилик йўлига ўтиб олганлар. Сводкадаги рақамлар катта, даладаги ғўзанинг ҳосили эса кам. Бу колхозда август ойининг ўтган 1-нчи ўн кунлигида ғўза парвариши юзасидан белгиланган график 62 процент бажарилган, холос.

Юқоридаги фактлар Оққўрғон район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСдаги ўртоқлар ғўзанинг кўкига ишониб, хотиражамланиб юрганликларини кўрсатади.

Районда рўй бераётган энг жиддий нуқсон ишчи кучининг бир қисмини дала ишидан четдалигидир. Биз бўлган колхозларда эрталабки иш кечикиб бошланади. «Сталинобод», Калинин, Жданов номли колхозларда колхозчиларнинг кўпчилиги ғўза парваришида қатнашмаётир. От-улов кучидан тўла фойдаланилмаётир. Колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ёмон аҳволда. Болалар боқчалари ёпилиб қолган. Дала шийпонлари яхши жиҳозланмаган. Колхозчилар, механизаторлар ўртасида КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумининг қарори етарли пропаганда қилинмаётир.

Биз борган колхозларда пахта йиғимтеримига тайёргарлиқнинг бориши блан ҳам танишдик. Шу кунгача пахта теримига, айниқса пахтани машина блан теришга тайёргарлик ишлари тугалланмаган, я'ни сушилкалар, хирмонлар, тарозилар, аравалар, дала йўллари, кўприклар ремонт қилинмаган. Бутун район бўйича пахта терадиган машиналарнинг эндигина 30 проценти ремонт қилинган. Пахта барларини тўкиш учун дориворлар тайёрланмаган. Ҳосили машина блан терилиадиган майдонлар ажратилиб, уларни алоҳида парвариш қилиш ишига МТС бош агрономлари — Борисов ва Валиев ўртоқлар бефарқ қараб келмоқдалар.

Район колхозларида август ойи давомида ҳосил тўплаш ва ҳосилни тўла сақлаб қолиш блан барча майдонда мўлпахта ҳосили етиштиришни та'минлаш учун ҳамма имкониятлар бор. Илгор пахтакорларнинг фидокорона меҳнати натижалари бунинг яққол далилидир.

Район партия комитети ва унинг секретарьлари О. Усмонов, Умаров, Бердиев ўртоқлар ва район ижроия комитети раиси ўртоқ Мирзаев пахтачиликка раҳбарлик қилишдаги йўл қўйилган нуқсонларни йўқотиш учун энг аввал раҳбарлик қилишдаги юзакичиликка, парвосизликка, кўзбўямачилик ҳолларига қат'ий чек қўйишлари керак.

Оққўрғон районида мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни тўла бажариш учун жуда катта имкониятлар бор. Август ойи давомида ҳам ғўза парваришини ҳеч сусайтирмай, уюшқоқлик блан давом этдириш зарур. Айниқса ўсишдан қолган ғўзаларни комплекс парвариш қилиш учун бутун куч ва имкониятлардан самарали фойдаланиш керак.

Мусобақадош Андижон область ўзаро текшириш бригадаси а'золари:

Г. КАМОЛОВ — Ленин район партия комитетининг 2-нчи МТС зонаси бўйича секретари; **М. МАННОПЖОНОВ** — Холдевонбек 1-нчи МТСнинг агрономи; **А. САТТОРОВ** — Пахтаобод районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи; **Т. ОРИПОВ** — «Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири.

Бўка районидаги 1-нчи МТСнинг ДИП — 200 маркали станокда ишловчи уста токари **Д. Ракитянский** кунлик топшириқни 150 — 180 процентга етказиб бажармоқда. **Суратда: Д. Ракитянский** пахта териш машиналари учун шпиндель чашкалари ясамоқда.

В. Епифанов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ёшлар звеносининг янги мажбурияти

Фозилбек Усмонов ўз звено а'золари Шарифа Улфатова, Хосият Ибодова, Майизхон Улфатова, Флора Сафарова ва Турсуной Қаршибоевалар блан эрта баҳордан буён астойдил меҳнат қилдилар. Звено а'золари барча ишларни илғорлар тажрибасига амал қилиб, агротехника қоидасига қаттиқ риоя қилган ҳолда олиб бордилар. Чигит ер намида ундириб олинди. Ғўза 2—3 қулоқ бўлиши бланақ биринчи озуқа берилди. Ҳозиргача бу илгор звено ғўзаси 4 марта чопиқдан чиқарилди, 3 марта озиқлантирилди. Универсалчи Чен Дусек ҳозиргача бу звено ғўзасини 5 марта сифатли культивация қилди. Ҳар культивациядан кейин чуқур чопиқ ўтказилди. Ҳозир 5 культивациядан кейин 5-нчи чопиқ ўтказилмоқда.

Звено а'зоси Улфатака Нурашев колхознинг кекса тажрибакор сувчиларидан ҳисобланади. У, ҳамавақт ғўзани об-тобида суғоради. Бу тажрибакор сувчи ғўзани ҳардиом най усулида суғориб, ернинг нами ер тагига камида 75—80 сантиметрга етмагунча эгатлардаги сувни тўхтатмайди.

—Агар— деди Фозилбек звено а'золарига қараб,— ҳосил тўплаш ойлиги ва ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги август ойида ғўзамизни икки марта чуқур чопиқ ва икки марта культивациядан чиқарсак, бир марта қўшимча равишда маҳаллий ўғит блан ўғитлад яна бир марта шарват суви берсак бемалол 60 центнер ҳосил етиштирамиз.

Ўртоқ Фозилбек Усмонов ўз а'золарига, агар 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олинса, звено бирнеча минг сўм пул ва 42 минг килограммдан кўпроқ ғалла олажагини, звенодаги 9 кишининг ҳарбирига ўртача 45 минг сўмдан пул, 5 минг килограммдан ғалла тегишини айтди. Звено а'золари ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан янада бадавлат бўлишларини ва фаровон турмуш кечиришларини яхши тушунадилар. Шунинг учун улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажариш учун ғўза парваришини яна қизғин давом этдириш блан август ойида камида 70 — 75 тадан меҳнат куни ишлашга қарор қилдилар.

Ўртасарой район 2-нчи Қорасув қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг Ўртоқ Фозилбек Усманов бошлиқ ёшлар звеносининг а'золари ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган янги мажбуриятларини тўла бажаришларига ишонадилар. Уларнинг қилаётган фидокорона меҳнати ва ҳозирги кунгача етиштирилган шона, гул ва бўлиқ кўсаклар бундан яққол далолат беради.

И. ИБОДОВ.

Мўл ҳосил учун курашмоқдалар

Бўка районидаги Юсупов номли колхоз правлениеси ҳамда партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини изчиллик блан бажаришга август ойида ғўза парваришини кучайтириб мўл ҳосил етиштиришга колхозчиларни сафарбар этмоқда. Партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларнинг ҳаммасини ғўза парваришини уюшқоқлик блан ўтказишга боғлаб олиб бормоқда. Колхозчиларнинг самарали ишлашлари натижасида ғўзалар сифатли парвариш қилинди ва ҳарбир туп ғўза 8 —10 та ҳосил шохларига эга бўлди ва 12 — 15 тагача кўсак боғлади.

Колхоз правлениеси, бошланғич партия ва комсомол ташкилоти июль ойида икки марта чуқур кетман чопиғи ўтказишни планлаштирган эди. Идора хизматчиларидан ва ёрдамчи кучлардан 110 киши қўшимча тарада дала ишларига жалб қилинди. Агитколлективга уюшган 34 коммунист ва партиясиз активлар илгор колхозчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириб бригада ва звеноларда кундалик графикни ошириб бажаришга эришмоқдалар. Айниқса Афзалов, Муртазаев, Собиров ва Сувонов каби агитаторлар яхши ишламоқдалар.

Ватанпарвар колхозчилар август ойида ҳам ғўза парваришини узлуксиз давом этдиришга аҳд қилдилар.

Я. ИСМАТОВ.

Мусобақадошлар кўрсатган камчиликларни тезда тугатайлик

Мусобақадош Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Ўртасарой районида бўлиб, улар райондаги колхозларда ғўза парвариши юзасидан олинган социалистик мусобақа мажбуриятининг қандай бажарилаётганлигини текширдилар ва бу соҳада бирқанча жиддий камчиликлар борлигини аниқладилар.

Охунбобоев номли колхознинг раҳбарлари ғўзанинг кўкига мағрурланиб кетиб, ҳосилга ҳосил қўшишда ҳал қилувчи ҳозирги кунларда ғўза парваришини бутунлай бўшаштириб юборганлар. Кўп ерларда ғўзаларни ёввойи ўт босиб кетган.

Колхоз раиси ўртоқ А. Саломов—ғўзамиз яхши, ҳозир 6—7 тадан тўқ кўсак бор,—деган эди. Текшириш бригадасининг а'золари ҳосилни кўздан кечирганларида ҳар тупда 6—7 та эмас, балки 2 — 3 та кўсак борлигини, бунинг устига айрим бригада ва звеноларда шона ва тугунчаларнинг тўкилаётганлигини аниқладилар.

Колхознинг 4,5 ва 6-нчи бригадаларида ғўзанинг аҳволи ёмон, шунга қарамай, даладаги иш бутунлай тўхтатиб қўйилган. Бригада бошлиқлари ўртасида кўзбўямачилик ҳоллари ҳам юз бермоқда. Масалан, бригада бошлиқларидан Абдукаримов 21 дан 31 июльгача 14,5 гектар чеканка, 17 гектар чопиқ қилинди, 56 гектар ер суғорилди деб сводка берган. Ҳақиқатда эса бу бригадада 10 кунда 5,25 гектар чеканка, 13,66 гектар чопиқ қилинган. 43,73 гектар ер суғорилган.

Колхознинг биринчи участкаси бўйича ҳосилот совети раиси ўртоқ Ашуровдан ғўза парвариши нима учун тўхтаб қолди деб сўралганда у, «Ғўза ўсиб кетди, энди трактор кириши мумкин эмас, ҳатто кетман ҳам оралатиб бўлмайди», дейди. Бу хил ярамас кайфият ҳосилга ҳосил қўшиш эмас, балки ҳозирги ҳосилни ҳам йўқотишга сабаб бўлади.

«Коммунизм» колхози ва бошқа колхозларда ҳам шундай аҳвол кўрилди. Масалан, Свердлов номли колхоз ғўза парваришида районда умуман олдинда бораётган бўлса ҳам, лекин колхознинг 6,10 ва 20-нчи бригадаларида аҳвол ёмон. Бу бригадаларда чеканка, чопиқ, культивация сифатсиз ўтказилаётир.

Мусобақадош андижонлилар Ўртасарой районидаги колхозларда ғўза парваришида йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни аниқладилар ва уни тузатиш учун қимматли маслаҳатлар бердилар.

Т. ЮЛДОШЕВ,
А. ТОЖИМАТОВ.

ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлигида

22 июльда Австрия Ҳукумати Совет Ҳукуматига нота юборди. Бу нотада «Австриядаги мавжуд аҳволни енгиллаштиришга доир» масалаларни қараб чиқиш учун Австрия вакилларининг иштироки блан СССР, Франция, Англия ва АҚШ элчиларидан иборат Комитет тузиш тўғрисидаги таклиф илгари сурилган.

12 августда СССР Ташқи Ишлар Министрлиги 3-нчи Европа Бўлими Мудири вазифасини ижро этучи М. Г. Грибанов Австриянинг СССРдаги элчиси Н. Бишофф жанобларига Совет Ҳукуматининг жавоб нотасини топширди. Бу нотанинг тексти қуйида э'лон қилинади.

«ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлиги Австрия Ҳукуматининг 22 июльдаги нотаси олинганлигини та'кидлаб, қуйидагиларни баён қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Ма'лумки, СССР, Франция, Англия ва АҚШ Ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгашида Совет Иттифоқи делегацияси Австрия масаласини тезликда ҳал этишга қаратилган конкрет таклифларни киритган эди. Аммо, бу таклифлар АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари томонидан қабул қилинмади. Бунинг натижасида Австрия блан давлат шартномаси тузиш тўғрисида битимга келинмади.

Австрия Ҳукумати ўз нотасида Австрия вакилларининг иштироки блан Франция, Англия, АҚШ ва СССР элчиларидан иборат Комитет тузишни таклиф этади, бу Комитет «Австриядаги мавжуд аҳволни енгиллаштиришга доир» айрим масалаларнигина қараб чиқиши лозим. Совет Ҳукумати, юқоридаги мақсадни кўзда тутиб Комитет тузиш давлат шартномаси тўғрисидаги битимга эришишни та'минлайолмайди, деб ҳисоблайди. Давлат шартномасининг тузилиши Австриядаги мавжуд аҳволни енгиллаштиришга ҳам доир бўлган барча айрим масалаларни ҳал этган бўлур эди.

Совет Ҳукумати илгаригидай ҳозирда ҳам, эркин ва мустақил Австрия давлатини тиклаш мақсадида давлат шартномасини тузиш учун тўла имконият бор, деб ўйлайди ва давлат шартномаси тўғрисидаги музокаралар Вена шаҳрида Австрия Ҳукуматининг иштироки блан дипломатик тартибда давом этдирилиши мақбул деб ҳисоблайдики, Совет Ҳукумати Берлин кенгашида бу фикрни айтган эди. Шунга биноан Совет Ҳукумати СССР, Франция, Англия ва АҚШ элчиларининг Венада Австрия вакили иштироки блан кейгаши чақирилишига рози экандлигини билдиради. Бу кенгаш Австрия блан тузиладиган давлат шартномаси проектига тааллуқли бўлган ва ҳал этилмай қолган масалаларни ва ана шу шартномани тузиш блан боғлиқ бўлган боғлиқ масалаларни қараб чиқиши керак».

Бишофф жанобларига Совет Ҳукуматининг бу нотаси мазмунини дарҳол Австрия Ҳукуматига ма'лум қилажагини айтди.

Бадиий жиҳатдан пухта ше'рлар яратайлик

(Ҳаваскор шоирларнинг ше'рларига обзор)

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқимизнинг моддий ва маданий ихтиёжларини максимал даражада қондириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги натижасида республикамизнинг социалистик сан'ати ва адабиёти гуллаб бормоқда. Халқимизнинг фаровон ҳаётини, коммунизм қуриш учун олиб бораётган мардонавор курашини қуйловчи, улуғ Ватанимизга, барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси жонажон Коммунистик партиямизга халқимизнинг садоқати ҳамда муҳаббатини қуйлаётган шоирларимиз қаторига янги-янги кучлар келиб қўшилмоқда. Ҳаётда учраётган ҳодисаларни, янгиликларни поэтик мисра'ларда қуйлаш, совет кишисининг интилиш ва туйғуларини акс этдириш, фидокор меҳнаткашларимизнинг коммунистик қурилиш соҳасида қурсатаётган ажойиб қаҳрамонликларини тараннум этиш орзуси блан қалам тебратаётган қобилиятли ҳаваскор шоирлар сони кундан-кун ошиб бормоқда.

Областимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги турли касб, турли ёшдаги кишилардан келиб турган ше'рлар бунинг ёрқин далилидир. Бу ше'рлар гарчи бадиий жиҳатдан пишиқ ишланмаган, ҳали анча камчиликларга эга бўлса ҳам, уларнинг кўпчилиги актуал темаларда ёзилган ва давримизнинг нафаси, руҳини акс этдиради. Бу ше'рларда халқимизнинг улуғ Москвамиз, жонажон Ватанимиз, меҳрибон партиямизга бўлган самимий муҳаббати, ўзбек пахтакорларининг мўл ҳосил учун олиб боратган курашн акс этдирилади ва коммунистик қурилиш ишимизда тўсқинлик қилучи айрим кишилардаги салбий хусусиятлар, эскилик сарқитлари фош қилинади.

Тошкентли ҳаваскор шоир **Т. Имомхўжаев**нинг редакциямизга юборган «Ўзбекистон», «Мен ҳам граждан», «Бизнинг орзу» сарлавҳали ше'рлари бадиий жиҳатдан анча дуруст, ше'р техникаси принципларига амал қилинган ҳолда ёзилган. Уларда автор талқин қилмоқчи бўлган ватанпарварлик ғояси, ёшларимизнинг буюк орзулари равон, содда ва силлиқ мисра'ларда баён қилинган.

Шунингдек Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ҳаваскор шоир **С. Файзуллаев** юборган совет депутатларнинг қиёфасини очиб беручи ше'ри, гулистонли **А. Муталов**нинг «Етмиш ёшли пахтакор», тошкентли **Т. Маҳмудхўжаев**нинг «Поездлар ўтиб борар...» сарлавҳали ше'рлари ҳам анча пишиқ ёзилган. Уларда фикрлар бадиий, тасвирий воситаларга эга бўлган ихчам сатрларда талқин қилинади.

Редакциямизга келаётган ше'рлар орасида сатирик темалардаги ше'рий фельетонлар, масаллар, ҳажвий ше'рлар¦ ҳам бор. Ёш шоирларимиз гапга уста, ишга ночор ялқовларни, чайқовчиларни, жамоат мулкини талон-торож қилучиларни, кўзбўямачи виждонсизларни, ва'дабоз бебурд кишиларни, ўз маишатига берилиб кетиб жамият олдидаги бурчини унутган бригадир ва раисларни фош қилишга ҳаракат қиладилар.

Бу жиҳатдан оққўрғонли, **У. Мусоқов**нинг «Ботир ялқов», пискентли **М. Ғиёс**нинг «Қачон чайқовчилик йўқ бўлар?», «Кўп ва'дабоз бўлманг раис» сарлавҳали ше'рий фельетонлари, тошкентли **К. Раҳимов**нинг «Ола товуқ ва ўрдаквой», **С. Яхши**нинг «Қалдирғоч ва кўр шапалак», оҳангаронли **У. Эгамбердиев**нинг «Асалари блан қовоқ ари» сарлавҳали масаллари диққатга сазовордир.

Ҳаваскор шоир У. Мусоқов «Ботир ялқов» сарлавҳали сатирик ше'рида ишёқмас бир ялқовнинг салбий хислатларини та'сирли мисра'ларда очиб беради.

Гапга уста меҳнатга йўқ,
Оғир ишни ташлаб қочар.
Гар нормасин талаб қилсанг,
Касалман деб «дардин» очар.

Бу каби бирқадар равон ва содда мисра'ларда дангасанинг мўтомбирлиги, одамларни алдашга уринини, ишга кеч чиқиб эрта қайтиши, вақтини бема'ни нарсалар блан беҳуда ўтказиши, ниҳоят, даромад таҳсимотида уялиб қолиши тасвирланади. Лекин бу ше'рни бадиий жиҳатдан етук ше'р деб бўлмайди. Унда бадиий тасвирий воситалар жуда кам, оригинал ўхшатишлар йўқ даражада.

Ёки ҳаваскор шоир **М. Ғиёс**нинг ше'рий фельетонларини олиб қарайлик.

М. Ғиёсов Паркент район бозорида чайқовчиликнинг авж олганини, магазинга келган молларнинг кўпи чайқовчилар қўлига ўтиб қолиши, ошхонадаги овқатларнинг сифатсизлиги, район савдо бўлимидаги раҳбарларнинг бу фактларга бефарқ қараб келаётганлигини ше'рий мисра'ларда тасвирлашга ҳаракат қилган. Авторнинг танлаган темаси яхши, фактлар дуруст баён қилинган ва хулоса тўғри чиқарилган. Лекин ҳаваскор шоир худди шу фикрларни ше'р олдига қўйиладиган талабларга амал қилган ҳолда, бадиий воситалар орқали баён қилганида янада яхшироқ бўларди. Унинг ше'рий фельетонларида, шунингдек «Она Ватанда», «Ғайрат қилинг, ўртоқлар» сарлавҳали ше'рларида вазн, туроқ, қофия каби элементар поэтик талаблар бузилган. Автор ўқучининг эсида қоладиган бирорта дурустроқ ўхшатиш қўлламаган, натижада танланган актуал, муҳим тема ўқучининг бадиий завқини қўзғотадиган даражада та'сирли равишда очиб берилмаган. Поэзия сан'атнинг энг мураккаб соҳасидир. У шоирдан ҳаётни кенг ва чуқур ўрганишни, унда актив иштирок этишни, билим доирасини доимо кенгайтириб боришни ҳамда поэтик қоидаларни ўзлаштириб олишни талаб қилади. Ўртоқ М. Ғиёсов ҳам ана шу талабларга амал қилганида, унинг ше'рлари ҳам анча дуруст чиққан бўлар эди. М. Ғиёсов ше'рларидан бир бандини олиб кўрайлик:

Район савдо-сотиқ бўлими,
Қачон халқ талабин қондирар?
Бозор, кўчаларда ҳукм сурган,
Қачон чойқовчилик йўқ бўлар?

Бу мисра'ларда жумлаларнинг ғализ тузилганлигидан ташқари, уларда ўқучининг бадиий завқини ўйғатадиган, унинг эсида қоладиган оригинал ифода йўқ, ҳатто қофиялар ҳам тўлиқ эмас. Бу банд поэтик руҳдан маҳрум бўлиб, содда гаплар йиғиндисига айланиб қолган.

Оққўрғонли ўртоқ А. **Орзиқулов**нинг «Чойхўр раис» деган ше'ри ҳам шу хилдаги камчиликлардан холи эмас.

Масал поэзиянинг энг мураккаб жанри ҳисобланади. Ундаги ҳарбир мисра' пухта ишланиши, ҳарбир ибора аниқ ифодаланган бўлиши шарт.

У. Эгамбердиев, К. Раҳимов, С. Яхши ўртоқларнинг масалларида умум манфаатини ҳарқандай манфаатдан устун қўйиш («Асал ари блан қовоқ ари»), мақтанчоқ бўлмаслик («Ола товуқ блан Ўрдаквой»), дангасаликка барҳам бериш («Қалдирғоч блан кўршапалак») каби фойдали фикрлар олга сурилса ҳам, бу асарларнинг бадиий савияси газетхонларимиз талабларига тўлиқ жавоб бераоладиган даражада эмас. Масалнинг хотимахисса қисми айниқса пухта, та'сирли ва ўткир бўлиши лозим эди. Ҳаваскор шоирларимиз буни ҳисобга олмаганлар. Масалан, К. Раҳимовнинг «Ола товуқ ваЎрдаквой» масалининг хотимасини олиб кўрайлик.

Агар бўлсанг, қуруқ, мақтанчоқ,
Товуқ каби бўласан ҳарчоқ.

Бу байтнинг кейинги сатрида танқид об'ектига қаттиқроқ тегадиган киноявий ибора йўқ. Бундай масалларнинг та'сир кучи ҳам кам бўлади.

Кўпгина ҳаваскорларимиз ўз ше'рларининг талига бефарқ қарайдилар, сўзларни пала-партиш ишлатадилар, жумларни гализ тузадилар, мисра' ва бандларни бир-бирига логик жиҳатдан тўғри боғлайолмайдилар. Ба'зи ҳаваскорлар топган ўхшатиш ва мажозлар ма'нисиз бўлиб қолган.

Масалан, янгийўлли **Қ. Абдураҳимов** «Пахтакорларга» деган ше'рида ёзади:

Июль ойи қандайдир(?),
Ёз фаслининг булоғи(?).
Ёки:
Сиз меҳнатни дўндириб,
Ғўзани ҳосилга кўндириб(?!),
Олинг улуғ ҳурматни,

Бу мисра'лар бир-бирига боғланмайди. Шоирнинг нима демоқчи эканлигини билаолмайсиз. Булардан ташқари ше'рда қайтариқлар кўпайиб кетган.

Кўп ҳаваскор шоирлар қофияни тўғри келтираман деб сўзларнинг асл ма'ноларига аҳамият бермайдилар.

Ҳаёл қанот шойи этаклар (??),
Майин шамол ҳамдам етаклар,
Ўлкам-дилбар, дилбаро ўлкам,
Сени севиш бизнинг истаклар (?).

(**С. Пўлатов**нинг «Кўнгил дейди...» ше'ридан).

Бу ердаги қофия учун келтирилган «этаклар, етаклар, истаклар» сўзлари мутлақо ўринсиз ишлатилган.

Бу хилдаги камчиликлар ҳаваскор шоирлардан **Б. Кўкиев** (Оҳангарон)нинг «Арпа ўроғи», **А. Доромнинг** «Қилғи», **Н. Мирзаев** (Тошкент)нинг «Қадрдон дўстимга», **Э. Аҳмедов** (Бекобод)нинг «Ўзбекистон», **К. Тўлебоев** (Қорасув)нинг «Даладаги ўт ёнида», **С. Муҳиддинов** (Қорасув)нинг «Қизрихон» сарлавҳали ше'рлари учун ҳам характерлидир.

Редакциямизга келган ше'рлар ҳали кўпгина ҳаваскор шоирларимизнинг бадиий маҳоратларини ошириш устида етарли равишда қунт блан ишламаётганликларини кўрсатади.

Шоир халқнинг фикр-туйғулари, орзу-умидлари ва интилишларини бадиий образлар орқали акс этдиручигина бўлиб қолмай, балки унинг курашида актив қатнашучи, унга ёрдам беручи киши ҳамдир. Шунинг учун шоир бўлишни орзу қилган киши ўзи курашда актив иштирок этиши, марксизм-ленинизм классик ларининг асарларини чуқур эгаллаб олиши, кишилик яратган билимни эгаллаш орқали ўз онгини ошириб бориши, рус,ўзбек адабиётининг классиклари ва отоқли совет шоирларининг бадиий маҳорат мактабини сабот блан эгаллаб бориши лозим. Ана шундагина халқимиз дидига мос келадиган бадиий юксак ше'рлар яратиш мумкин.

Район мактаблари янги ўқув йилига тайёр

Тошкент шаҳар Фрунзе районининг мактаблари 1954/55 ўқув йилини ўз вақтида ва намунали тайёргарлик блан кутиб олмоқдалар. Ву ишда район партия ва совет ташкилотлари катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг мактаб ёшидаги болаларни рўйҳатга олиш инструкциясига мувофиқ райондаги 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болаларни рўйҳатга олиш тез кун ичида тамомланди. Бу ишда ота-оналар комитети, уй-жой бошқармалари, маҳалла комиссия раислари ва комендантлар яқиндан ёрдам бердилар.

СССР Министрлар Советининг Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг мактабларида ўғил ва қиз болаларни биргаликда ўқитишни жорий қилиш тўғрисидаги қарори ва шу муносабат блан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўз ҳақда чиқарган қарори мактабларда та'лим-тарбия ишларини ташкил қилишда катта енгиллик туғдиради. Мактабларда, юқоридаги қарорлар асосида ўқучилар сонини бараварлаштириш масаласи ҳал қилинди. Бунинг натижасида райондаги ўқучилар икки сменада 13 мактабга жойлаштирилдилар, яна бир мактаб резерв ҳолда сақланиб қолди. Илгари райондаги бир мактабда 1000 бола ўқиган бўлса, худди шу типдаги иккинчи мактабда 600 ёки 700 бола ўқир эди. Ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитиш ва мактаблардаги болалар сонни тўғри таксимлаш натижасида 3-нчи сменада ўқиш йўқ қилинади.

Район мактабларида ўқучиларни синфлар бўйича рўйҳатга олиш тугалланди. Бунда 1-нчи синфдан 7-нчи синфгача 40 тадан ўқучи ва 8-нчи синфдан 10-нчи синфгача эса 35 тадан ўқучи бўлиши кўзда тутилади. Синфларда ўқучи болалар сонининг ошиши синфлар сонини камайтириш имкониятини берди. Бўшаган синфлардан ўқув-тажриба кабинетлари, лабораториялар сифатида фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Райондаги 14 мактабнинг 10 таси жорий ва 4 таси капитал ремонтдан чиқарилди. Бу йил 26-нчи мактаб биноси устига учинчи этаж қурилиб, хоналар сони кўпайтирилди. Мактабда политехника та'лимини амалга ошириш мақсадида ишлабчиқариш устахоналари учун махсус хоналар ажратилди.

Бу йил 25, 87, 89-нчи мактабларга янги темир печалар ўрнатилди, 72, 127, 135-нчи мактабларга электр симлари тортилди. 135-нчи мактаб ўқучилари янги ўқув йилида янги ва кенг спорт залида машғулот ўтказадилар.

Ҳамма мактаблардаги парта, доска, стол, стул ва бошқа инвентарьлар сифатли ремонт қилинди. Бундан ташқари 107, 87, 135, 25-нчи мактаблар учун 300 та янги парта, 60 та шкаф, 35 та ёзув столи, 200 та стул сотиб олинди. Барча мактабларда қишки ёқилғи запаслари тайёрлаб қўйилди, биринчи августдан бошлаб ўқучиларга дарсликлар тарқатилмоқда.

Фрунзе районидаги мактаблар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Шубҳа йўқки, район мактабларининг коллективлари 1 сентябрь куни ўқишларни зўр уюшқоқлик блан бошлаб юборадилар.

У. РАҲМОНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„МТС директори Боймуҳамедовнинг найрангбозлиги"

Газетанинг шу йил 25 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилиб, унда Верхне-волинск районидаги 2-нчи МТС директори ўртоқ Боймуҳамедовнинг ўз вазифасига мас'улиятсизлик блан қараб келаётганлиги танқид қилинган эди.

Верхне-волинск район партия комитетининг секретари ўртоқ Ражабовнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола шу йил 29

Ҳиндистон делегацияси а'золарининг Совет Иттифоқи тўғрисида айтганлари

ДЕҲЛИ, 12 август. (ТАСС). Кеча Деҳли шаҳар клубида пойтахт жамоатчилиги яқинда Совет Иттифоқига бориб келган Ҳиндистон делегацияси а'золари: Рамешвари Неру хоним ва доктор Шоутрам Гидвани блан учрашди.

Рамешвари Неру Совет Иттифоқи ҳақидаги ўз таассуротларини айтиб бериб, Ҳиндистон «маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида Совет Иттифоқидан кўп нарсаларни ўрганса бўлади» деди. Рамешвари Неру Совет Иттифоқининг турли соҳалардаги ғоят катта ютуқларини та'кидлаб, ҳамма жойда тараққиёт кўрганлигини айтди.

Доктор Гидвани «темир парда» деб аталган ғов тўғрисидаги антисовет туҳматларни фош қилди ва совет халқи урушга қарши, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик учун курашаётганлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Учрашув вақтида раислик қилган К. М. Паниккар охирги сўзида Рамешвари Неруга ва Гидванига ташаккур изҳор қилди ҳамда бундай деди: «СССР да бўлаётган ишлар бутун дун'ё учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ишлар — бу мамлакатнинг 200 миллион аҳолиси томонидан амалга оширилаётган янги тажрибадир. Кимки Совет Иттифоқининг ютуқларини э'тироф этишни истамас экан, у ҳақиқатдан кўз юмади».

Учрашувда ҳозир бўлган пойтахт жамоатчилиги вакиллари Рамешвари Неруга, Гидванига ва Паниккарга қизғин ташаккур билдирдилар. Учрашувни Ҳиндистон-Совет маданий алоқа жамиятининг Деҳли бўлими ташкил қилди.

Совет олимларининг Голландияда бўлишлари

ГААГА, 12 август (ТАСС). Бир группа совет олимлари қишлоқ хўжалик соҳасидаги мутахассислар 20 июльдан бери Голландияда меҳмон бўлиб турмоқдалар. Улар шу вақт ичида фермаларни, боғдорчилик хўжаликларини, парник хўжаликларини, чорвачилик корхоналарини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайтадан ишланадиган фабрикаларни ва илмий-текшириш муассасаларини, шу жумладан Голландияда қишлоқ хўжалик фанининг маркази бўлган Вагенингендаги қишлоқ хўжалик олий мактабини бориб кўрдилар. Совет олимлари денгиз ёнидаги ерларни ўзлаштириш методлари блан танишдилар, 1953 йил февралида Голландияда бўлган сув тошқини натижасида ернинг шўрланишига қарши қандай кураш олиб борилаётганлиги блан қизиқдилар.

Совет олимлари ҳамма жойда жуда самимий ва дўстона кутиб олинмоқдалар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕНГИЗЛАРНИНГ НЕФТЬ БЛАН ИФЛОСЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ҲАҚИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯНИ ИМЗОЛАДИ

ЛОНДОН, 12 август. (ТАСС). 11 августда СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик денгизларнинг нефть блан ифлослашига йўл қўймаслик тўғрисидаги халқаро конвенцияни имзолади. Я. А. Малик бу конвенция СССР Иттифоқи Олий Совети томонидан ратификация этилиши лозим эканлигини ёзма шаклида билдирди.

Польшада тўқимачилик корхоналари қурилиши

ВАРШАВА, 12 август. (ТАСС). Польша Халқ Республикасида социализм асосларини қуриш олтийиллик планига мувофиқ тўқимачилик саноати кенг ривож топмоқда. Кейинги йилларда Пиотрков ва Андрихов комбинатларидек йирик тўқимачилик комбинатлари, шунингдек Белявида ва Пабяницида йигирув фабрикалари, Озоркувда гул босиш фабрикаси ва бошқа корхоналар ишга туширилди.

Белосток воеводлигидаги Замбрува шаҳри чеккасида янги тўқимачилик комбинати қурилмоқда. Миллий байрам — Польша Халқ Республикасининг 10 йиллиги кунларида комбинатда йигирув фабрикаси ишга туширилди. Ҳозирги вақтда тўқимачилик фабрикаси қурилиши қизғин юборилди, бу фабрика келгуси йилда биринчи маҳсулот беради. Белосток воеводлигида Фастида тўқимачилик комбинати ва Валилида ип-газлама фабрикаси қурилаётир. Лодзьда катта ип йигирув фабрикаси қурилмоқда.

Финляндия сеймининг депутати Кильпининг нутқи

ХЕЛЬСИНКИ, 12 август. (ТАСС). «Бапаа сана» газетаси сейм депутати Эйно Кильпининг Лахти шаҳрида Финляндия халқи демократик союзи байрамида сўзлаган нутқини босиб чиқарди.

Кильпи халқаро аҳволга тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни айтди:

«Совет Иттифоқи шу йилларнинг ҳаммасида бизнинг шароитимиз ва қийинчиликларимизга катта э'тибор бериб келди, Финляндиянинг турли доиралари июль ойи ўрталарида Москвада беш йилга мўлжалланиб тузилган янги савдо шартномасини «яхши битим» деб баҳоладилар... Бу битим саноатимизнинг ба'зи тормоқлари учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Битим тузилмаганида саноатнинг ана шу тормоқлари ўз ишларини тўхтатишга ёки ғоят қисқартишга мажбур бўлар эдиларки, бу ҳол мамлакатимизда ишсизликнинг анча авж олишига сабаб бўлар эди».

Кильпи Финляндиянинг ба'зи молларига Қўшма Штатлар томонидан таможня пошлиналарининг оширилганлигини «тўғридан-тўғри савдо-сотиқ соҳасидаги уруш» деб атади.

Кильпи қизиқ бир аҳволни, я'ни СССР блан савдо битими тузилишига қарши э'тироз билдирган финляндиядаги айрим арбобларнинг эндиликда, Финляндия «ҳуқуқий тенглик юзасидан» Скандинавия мамлакатларининг ҳарқандай иттифоқларига тезликда қўшилсин, деб қилаётган талабларини кўрсатиб ўтади.

Финляндияни бировлар томонидан тузилмоқчи бўлган «шимолий иттифоқ»га қатнаштириш тўғрисидаги фикр, — деди Кильпи, — «ўлик фикрдир». «Дания ва Норвегияннинг ҳали ҳам Атлантик ҳарбий иттифоқда эканлиги каби факт ҳам, — ана шундай гапларга чек қўймоғи керак. Ана шу сабабнинг бир ўзини э'тиборга олганда ҳам, бундай гаплар Финляндияга ҳам, шимол мамлакатлари халқларининг чинакам ва табиий ҳамкорлигига ҳам зарар етказажагини тушиниб олиш керак эди».

ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ БИРЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ УЧУН

ДЕҲЛИ, 12 август. (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси баёнот э'лон қилди. Сиёсий бюро бу баёнотида Бутунҳиндистон тинчлик кенгашининг сентябрь ойини Осиё халқларининг бирдамлиги ойлиги сифатида нишонлаш тўғрисидаги чақириғини тасдиқлайди.

Баёнотда бундай дейилади: бош министр Неру блан бош министр Чжоу Энь-лай яқинда учрашган эдилар. Ана шу учрашувдан кейин империалистик давлатлар Осиё халқларининг озодлигини бостириш йўлидаги уринишларини илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражада кучайтириб юбордилар. Осиё халқларини бир-бирларидан ажратиб юбориш ва СЕАТО (Шарқи-Жанубий Осиёда ҳарбий блок. **Редакция**) ва бошқа ҳарбий пактлар тузиш воситаси блан уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш йўлида ҳаракат ишлатилмоқда.

Империалистик давлатларнинг таз'йиқ кўрсатиши ва туҳмат қилиши учун Ҳиндистон бир нишон бўлиб қолди. Португалия ҳукумати Шимолий Атлантик пакти раҳбарларининг тамомила қўллаб-қувватлаши блан юртимиздаги ўз ерларига қўшинлар келтириб, аэродромлар ва базаларни шошилинч суратда қуриб, Ҳиндистонга таҳдид қилмоқда.

Америка-Покистон пакти имзоланиши ва Америка ҳарбий мутахассислари биринчи группаларининг ва Америка қуроллаларининг Покистонга келтирилиши блан бир қаторда Ҳиндистонга қарши уруш ваҳимаси авж олдирилмоқда.

Цейлон бош министри Ҳиндистонни СЕАТОга бевосита бўлмаса ҳам, билвосита а'зо қилиш учун бутун кучларини сарф қилмоқда.

Ҳиндистоннинг ўзида айрим кишиларнинг Ҳиндистон ташқи сиёсатини қайтадан кўриб чиқишига ва Американинг уруш сиёсатига тенглашишга чақиручи разил овозлари эшитилмоқда.

Шу сабабдан ҳозирги пайтда халқимизнинг барча табақаларини Ҳиндистоннинг суверенитетига зарар етказадиган ва Осиё халқларини бир-биридан ажратиб юборишга ҳамда қул қилишга ва бутун дун'ёни уруш гирдобига ташлашга қаратилган ана шундай разил уринишларга қарши отлантириш зарур.

Барча ватанпарварлар ва тинчлик ҳамда озодлик тарафдори бўлган барча кишилар Бутунҳиндистон тинчлик кенгашининг Неру блан Чжоу Энь-лай битимининг беш принципини оммавий суратда қўллаб-қувватлаш ҳақидаги чақириғини ва бу кенгашнинг Осиё халқларининг бирлиги ва ҳамкорлигига чақириб қилган да'ватини кенг қувватлашлари керак.

«Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартноманинг ратификация қилинишига қарши

ПАРИЖ, 12 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: Миллат мажлисининг дengизларнинг нариги ёғидаги территориялар ишлари блан шуғулланучи комиссияси «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қонун проектини муҳокама қилди. Комиссия бугун Дефферниг (социалист) мазкур шартномани ратификация қилишни таклиф этган докладини 13 овозга қарши 24 овоз блан рад этди. Доклад овозга қўйилганида икки киши бетараф қолди.

Англия лейбористлар партияси делегациясининг Москвада бўлишига доир

Англия лейбористлар партиясининг К. Р. Эттли бошчилигида Хитой Халқ Республикасига кетатириб Москвада тўхтаган делегацияси пойтахтда бўлган вақтида Ленинские Горидаги Москва давлат университетида бўлди, университет раҳбарлари блан суҳбат қилди, Кремльнинг хушманзара жойларини тамоша қилди. 12 августда делегация В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейида бўлди. Англияли меҳмонлар Москва вокзалларининг ишлари блан танишдилар, метрополитенни кўрдилар, даволаш муассасаларида, ГУМда ва бошқа магазинларда бўлдилар, шунингдек пойтахт ишчилари ва хизматчиларнинг квартираларига бордилар.

Англия лейбористлар партиясининг К. Р. Эттли бошчилигидаги делегацияси 12 августда Москвадан Хитойга жўнаб кетди. (ТАСС).

СССР ҚИЗИЛ КРЕСТ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ-ОЙ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИНИНГ СУВ ТОШҚИНИДАН ЗАРАР КЎРГАН ЭРОН АҲОЛИСИГА ЁРДАМИ

ТЕҲРОН, 13 август. (ТАСС). СССРнинг Теҳрондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. И. Лаврентьев кеча Эрон Ташқи Ишлар Министри Энтизом ҳузурида бўлди ва сув тошқини натижасида Эрон халқининг бошига тушган кулфат муносабати блан Совет Ҳукуматининг Эрон халқига ҳайрихоҳлигини билдирди, шунингдек СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим-ой Жамиятлари Союзи Ижроия Комитети сув тошқинидан зарар кўрган Эрон халқига ёрдам бериш учун Эрон Қизил Шер ва Қуёш Жамиятига 200 минг сўм топиришга қарор берганлигини унга ма'лум қилди.

Энтизом изҳор этилган ҳайрихоҳлик учун миннатдорчиликни, СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим-ой Жамиятлари Союзи Ижроия Комитетининг ёрдами учун ташаккурни Совет Ҳукуматига топиришни сўради.

СССР ҚИЗИЛ КРЕСТ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ-ОЙ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЭРОН ҚИЗИЛ ШЕР ВА ҚУЁШ ЖАМИЯТИГА ТЕЛЕГРАММАСИ

Сув тошқинидан Эрон аҳолисига зарар етгани муносабати блан СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим-ой Жамиятлари Союзи Ижроия Комитетининг раиси профессор Г. М. Митерев Эрон Қизил Шер ва Қуёш Жамияти номига қуйидаги телеграммани юборди:

«СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим-ой Жамиятлари Союзининг Ижроия Комитети табиий офат натижасида Эрон халқининг бошига тушган кулфат муносабати блан совет жамоатчилиги номидан Эрон халқига чуқур хайрихоҳлигини изҳор қилади. Ижроия Комитетининг Президиуми сув тошқинидан зарар кўрган аҳолининг қисматини енгиллаштиришни истаб, ана шу аҳолига ёрдам бериш фондига 200 минг сўм топиришга қарор қилди».

ЎЗБЕКИСТОН VIII СПАРТАКИАДАСИДА



Фарғонали Владимир Ли икки қўли блан 86 килограмм оғирликдаги штангани кўтариб, энг енгил вазнда янги республика рекордини қўйди. **Суратда: В. Ли** штанга кўтармоқда. (Чапда). Велосипед пойгаси (ўнгда).

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆

«Динамо», «Пишчевик» ва «Медик» стадионларида футболчиларнинг навбатдаги учрашувлари бўлди. Фарғона область командаси 2:1 ҳисоби блан наманганлилар устидан ғалаба қозонди. Иккинчи кичик группада Тошкент футболчилари олдинда бормоқда.

Волейбол бўйича биринчиликни олиш учун давом этаётган мусобақа тамом бўлай деб қолди. Бухоро область эркаклар командаси 3:1 ҳисоби блан андижонлилар устидан ғолиб чиқди. Тошкент область эркаклар командаси Қорақалпоғистон волейболчилари устидан 3:2 ҳисоби блан ажойиб ғалабага эришди, ўйлар ортидаги ўсмирлар ва «Медик» командаси эса Фарғоналилар устидан ғалаба қозонди. Шунингдек Фарғона областининг эркаклар командаси ҳам 0:3 ҳисоби блан тошкентлиларга таслим бўлди. Самарқандлилар икки ғалабага муяссар бўлдилар: эркаклар командаси хоразмлилар устидан, хотин-қизлар командаси қашқадар'ё волейболчилари устидан ғалаба қозонди.

Луначарскда велосипедчилар мусобақаси бўлди. Кросс программаси бўйича эркаклар 30 километр масофага, хотин-қизлар 15 километр масофага велосипедда пойга қилдилар. Эркаклар ичида республика терма командасининг а'зоси М. Тўйчиев, ундан кейин ўзбекистоннинг тажрибали пойгачиларидан В. Попов биринчи 10 километрда олдинда борар эдилар, лекин 20-нчи километрга яқинлаштанда ёш спортчи—Қўқон депосининг машинист ёрдамчиси Г. Паксюткин улардан ўзиб кетди ва финишга биринчи бўлиб етиб келди. У, 1 соат 24 минут 35 секунд натижага эга бўлди.

Сталин номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлган қураш мусобақаси жуда кўп тамошабинларни қизиқтирди. Қорақалпоғистон қурашчилари муваффақият блан ҳаракат қилмоқдалар. Улар Самарқанд область командаси блан учрашиб, 5:3 ҳисоби блан ғалабага эришдилар. Бухоро область курашчилари сурхондар'ёлиларни 5:3 ҳисоби блан ютдилар, хоразмлилар ҳам ана шундай ҳисоб блан Қашқадар'ё полвонлари устидан ғалаба қозондилар. Андижон ва Тошкент области командаларининг учрашуви тошкентлиларнинг ғалабаси блан томом бўлди.

Оғир атлетика бўйича ўрта вазндаги, ярим оғир вазндаги ва оғир вазндаги спортчилар биринчилик учун курашдилар. Ўрта вазнли И. Малюков 1954 йилда республика чемпиони деган унвонни олишга муваффақ бўлди. Оғир вазнда Ўзбекистон терма командасининг а'зоси Г. Брушко ўз тенгдошларига нисбатан 70 килограмм оғир бўлган штангани кўтариб, республика чемпиони унвонини олди.

Горький номидаги маданият ва истироҳат боғининг ёзги театр саҳнасида бокс мусобақаси давом этди. Биринчи разрядли Ортенберг (Тошкент) самарқандли боксчи Ҳасановни енгди. Енгил вазнда андижонли боксчи Марков наманганли Ерхов устидан ғалаба қозонди. Энг енгил вазнда самарқандли Шарафулин Сурхондар'ёли боксчиси Ильюшинни таслим қилди.

Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида республика шахсий команда биринчилиги учун классик кураш бўйича охирги учрашувлар бўлмоқда. Энг енгил вазнда тўртинчи доирадан кейин республика терма командасининг а'зоси Мўминов ва сурхондар'ёли Рассоха олдинда бормоқда. Ярим вазнда республика терма командасининг а'золари Аблаев ва тошкентли Наумов ўртасида қаттиқ кураш борди, натижада Аблаев ғалаба қозонди. Ўрта вазнда республика терма командасининг а'зоси Зеленин ва Давидян (Тошкент) олдинда бормоқда. Команда биринчилиги бўйича эса, Тошкент спортчилари олдинда бораётир.

Кеча темирйўлчилар боғининг спорт майдончасида волейбол бўйича финал учрашувлар бошланди.

Американинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги кирдикорлари

Саудия Арабистонидаги кенгаш тўғрисида Ливан матбуотининг ёзганлари

БАЙРУТ, 12 август. (ТАСС). Байрут радиосининг билдиришича, ҳозирги вақтда Саудия Арабистонида (шаҳри кўрсатилмаган) кенгаш ўтказилмоқда. Бу кенгашда Саудия Арабистонининг Қироли Сауд, Миср бош министри Жамол Носир, Покистон бош министри Муҳаммад Али ва Покистон генерал-губернатори Ғулом Муҳаммад, шунингдек бошқа мусилмон мамлакатларининг бирқанча вакиллари қатнашмоқдалар. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ливан, Сурия, ва Ироқ бу кенгашда қатнашмаётирлар.

«Ар-Рауад» газетасининг ёзишича, Саудия Арабистонининг радиоси бу кенгаш тўғрисида қуйидагиларни билдирди: кенгаш қатнашчилари Яқин Шарқда бўлиб ўтган кейинги воқиалар муносабати блан бу райондаги аҳволни ҳарбий ва сиёсий нуқтаи назардан ўрганмоқдалар. Радио хабарида, музокаралар араб мамлакатлари ва бошқа мусилмон мамлакатларининг ҳарбий ва сиёсий бирлигига эришиш масалаларига таллуқли» эканлиги уқтириб ўтилади.

«Ал-Халаф» газетасининг та'кидлаб ёзишича, бу кенгаш «араб мамлакатларининг ғарб давлатларига нисбатан ўз позицияларини қайтадан кўриб чиқишлари учун ана шу мамлакатларнинг тайёргарлик кўришида катта аҳамиятга эга бўлади».

«Аш-шарқ» газетасининг ёзишича, Саудия Арабистонида бўлаётган кенгашда қараб чиқилиши лозим бўлган масалалар орасида «араб-мусилмонлар блокини вужудга келтириш тўғрисида»ги масала ҳам бор.

«Ал-Ҳаёт» газетасининг билдиришича, кеча Жамол Носир Мина шаҳрида (Саудия Арабистони) Покистон генерал-губернатори Ғулом Муҳаммад блан учрашган. Улар ана шу учрашиш вақтида Ўрта Шарқ «мудофаа» системаси вужудга келтирилиши муносабати блан Миср ва Покистоннинг келгусидаги ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилганлар. Газетанинг ёзишича, Ғулом Муҳаммад Туркия-Покистон иттифоқи доирасини кенгайтиришни ёқлаган.

Газетанинг билдиришича, 10 августда Жамол Носир Покистон бош министри Муҳаммад Али блан ҳам учрашган. Улар бу суҳбат вақтида Яқин Шарқ проблемаларини ва ана шу районда Миср блан Покистоннинг роли тўғрисидаги масалани муҳокама қилганлар. Газетанинг ёзишича, Муҳаммад Али Носирни Покистонга келишга таклиф этган ва Носир бу таклифни қабул қилган. Носирнинг Покистонга қачон бориш куни кейинчалик билгиланади.

Газета Носирнинг Покистонга боражагига тўхталиб қуйидагиларни ёзади: «Миср бош министрининг Карачида олиб борадиган музокаралари Ўрта Шарқни мудофаа қилиш ишида Миср ва Покистон ҳамкорлиги масалалари юзасидан Мина шаҳрида ўтказилган дастлабки музокаралар ва консультацияларга қўшимча бўлади».

СУД ЗАЛИДАН

Ўғри жазоланди

Мария Михайловна Власова бундан ташқари «Екатерина Ивановна Федорова» ва «Марфа Кирилловна Андреева» деган ясама исм-фамилиялар ниқоби остида ҳеч ерда ишламай ўғирлик блан шуғулланиб келган. Ўғирлик жиноятлари учун 3 марта қамалиб чиққан.

Уч фамилия эгаси қобих ўғри М. М Власова яқинда жиноят устида қўлга тушди.

Киров район 2-нчи участка халқ суди очиқ мажлисда М. М. Власованинг жиноий ишини кўриб, уни 7 йил муддатга ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига ҳукм қилди.

БИЛДИРИШ

Шу йил 16 август душанба куни кеч соат 7 да Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг мажлислар залида (Сталин кўчаси, 29-нчи уй) шаҳар советининг депутатлари учун «Тошкент шаҳрида халқ маорифининг аҳволи ҳақида» деган темада навбатдаги лекция бўлади.

Лекцияни Тошкент шаҳар маориф бўлимининг мудири ўртоқ А. Тоқиев ўқийди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Октябрь трестининг иши тубдан яхшилансин

Октябрь район ошхона ва ресторанлар трести республиканинг катта трестларидан биридир. Унинг 400 га яқин ошхонаси, чойхонаси, закускахоналари ва чайнаалари бўлиб, шаҳарнинг кўпгина корхоналари, ўқув юртларидаги ишчи, хизматчи ва студентларни ҳамда аҳолини озиқ-овқат блан та'минлашга хизмат қилади. Броқ трест мамурияти СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Совет савдосини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин ҳам умумий овқатланишни яхшилашга етарли э'тибор бермай келаётир.

Трестнинг раҳбарлари ўз ходимлари олдига қандай йўл блан бўлмсин товар оборoти планини бажариш учун кураш вазифасинигина қўйди. Товар оборoти планини бажариш учун кураш кампаниясини «бошлаб юборган» трест раҳбарлари савдо ва умумий овқатланиш маданиятини оширишни унитиб қўйдилар.

Трест директори Пўлатов, партия ташкилотининг секретари Скрягина ва касаба союз бирлашган комитетининг раиси Вишневский ўртоқлар 1954 йилнинг биринчи ярмида товар оборoти планининг бажарилганидан эсанкираб, трест ишига раҳбарликни сусайтириб юбордилар, жойларда содир бўлаётган камчилик ва хатолардан хабарсиз қолмоқдалар. Натижада трестнинг айрим ошхоналари, закускахоналарида овқатларнинг сифати ёмонлашмоқда, иste'молчиларга етарли даражада маданий хизмат кўрсатилмаётир. Трестнинг ба'зи ходимлари эса ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иste'молчиларни алдамоқдалар.

Масалан, ўртоқ Бобожонова директор бўлган ошхона биринчи босмаҳона ишчиларига хизмат қилади. Лекин бу ошхонада пиширилаётган овқатларнинг ассортименти белгиланган минимумдан ҳам оз, сифати паст. Шуниси кишини ажаблантирадики сабзавот энг кўп етишган ҳозирги кунларда бу ошхонада ўнкунлаб пиёз, сабзи, лавлаги бўлмайди. Ун, ғўшт, гурунч ҳам етарли миқдорда бўлмаганлиги натижасида икки-уч хил овқат тайёрланади, холос. Бу тўғрида ишчи ва хизматчилар бирнеча марта шикоят қилдилар, ҳатто трестга бориб, ошхона ишини яхшилашни талаб этдилар. Трест раҳбарлари эса бу ҳақли талабга э'тибор бермай келмоқдалар.

Трестнинг бешинчи кустига (директори ўртоқ Худайназаров) қарашли бирнеча ошхоналар ҳам ишчи ва ўқучиларга намунали хизмат қилмаётир. Профессионал техника мактабидаги ошхонада овқат ўз вақтида тайёрланмайди. Ба'зан овқат тайёрланмаганидан мактаб ўқучилари иссиқ овқатсиз қолади. Ошхона ходимлари ўқучиларга овқатни тегишли миқдордан кам бериб, жиноят қилмоқдалар. Бир куни қозонга солинган маҳсулотдан 120 порция чучвара пиширилиши керак эди. Шу куни 144 порция чучвара сотилиб, иste'молчиларнинг ҳар бирига 77 граммдан кам чучвара берилди.

Олтинчи пиво заводи ишчиларига хизмат қилучи ошхона ҳам ўртоқ Худойназаров директор бўлган кустга қарашлидир. Ошхонанинг атроф-теварагі сра супирилмайди. Ошхона санитария қоидаларига жавоб бераолмайди. Залга қўйилган 10 та стол ва бирнеча стул табуретка ва скамейкалар ремонт талаб бўлиб қолган. Пичоқ, вилкалар шеф повар Алимуҳамедовнинг столида занглаб ётипти.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг кўчма Қизил байроғи қўпдан бери трестнинг биринчи чайнаяси қўлида. Трестнинг Қизил вимпели ҳам шу ерда эди. Лекин чайнаяда қилинаётган ишлар кўчма Қизил байроққа ҳам, вимпелга ҳам арзимайди. Буфетчи Ярулинни фақат ичимлик сотиш қизиқтиради. У ҳарбир харидорнинг ҳақидан 10—12 грамм олиб қолиб, «Тома-тома кўл бўлур» мақоли асосида «ишлайди».

Буфет санитария қоидаларига жавоб бермайди. Нон полкалари, шкафлар ифлос.

«Фарғона» ресторанига қарашли Олай бозори яқинидаги закусхонанинг буфетчиси А. Е. Башкирдинова, офицантка В. М. Гринберг иste'молчиларни алдашда Ярулиндан ҳам ўтиб кетадилар.

Харидорлардан Воронков блан Беседин закускахонага кириб 300 грамм коняк, 200 грамм вино, 100 грамм сир, 100 грамм корейка, нон ва помидор заказ қилдилар.

Давлат савдо инспекциясининг вакили буфетчи Башкирдиновнинг харидорлар ҳақидан 50 грамм коняк, 30 грамм вино, 5 грамм сир олиб қолганлигини аниқлади. Бу закусхонада иste'молчиларга қўпол муомала қилинганлиги, Башкирдинова ва Гринбергларнинг хиёнати натижасида жанжал кўп бўлиб туради.

Ильич заводи ҳузуридаги 24-нчи ошхонада ҳам аҳвол яхши эмас. Ошхонанинг шеф повари Чучарина қовурма сотганда гўштни кам беришга ўрганиб қолган. Текшириш натижасида Чучарина қовурманинг ҳарбир порциясидан ишчиларга 15 граммдан кам гўшт берaётгани аниқланди.

Коммунал техникуми ва биринчи босмахона ҳузуридаги ошхоналарнинг буфетларида пирожкалар, котлетлар, компот ва шунга ўхшаш буфет маҳсулотларини топиб бўлмайди. Енгил саноат техникумидаги ошхонада ва ҳатто биринчи чайнаяда столлар устида горчица, сув солинган графиналар йўқ.

Иste'молчилар ҳақига ҳиёнат қилиб, уларни алдаш ҳодисаларини иккинчи чайнаяда ҳам, коммунал техникумидаги ва Марказий телеграфдаги ошхоналарда ҳам учратиш мумкин.

Трест ихтиёрида бирқанча чойхоналар бор. Броқ, бу чойхоналар санитария жиҳатдан ҳозирги талабга жавоб бермайди. Масалан, Москва районидаги колхоз бозорига жойлашган 66-нчи чойхона (мудири Т. Асилхўжаев) Вилоят кўчасидаги 77-нчи чойхона (чойхоначиси М. Хамидов) Октябрь районининг колхозмол бозоридаги чойхона ва ниҳоят Сағбон кўчасидаги 18-нчи чайхоналар (мудири У. Иноятов) жуда ифлос, полосларнинг кирлиги шу даражагача бориб етганки, улардан бундан буён фойдаланиш мумкин эмас. Пиёла, чойнак ва патнисларни артиш учун махсус сочиқлар йўқ. Пиёлалар кирланиб кетган сочиқлар блан артилиб ифлос сувда чайилади. 66-нчи ва 77-нчи чойхоналарнинг чойхоначилари Авазов, Қосимхўжаев ва Ҳамидовлар кўринишда қўйнинг оғзидан чўп олмаган, содда ва тўғри кишиларга ўхшасалар ҳам одамларни алдаб ҳарбир чойнак чойга белгиланганидан кўпроқ ҳақ олишга одатланиб қолганлар.

Убай Иноятов мудир бўлган 18-нчи ва 66-нчи чойхоналарда чойхонага дахли бўлмаган кишилар ишлатилмоқда. Чойхонада лекция ва докладлар ўтказилмайди, қизил бурчаклар жиҳозланмаган. 18-нчи чойхона атлас, махси сотучи чайқовчиларга бошпана бўлиб қолган бўлса, 66-нчи чойхона айрим кишилар учун спиртли ичимликлар ичиб, кайф сурадиган жой бўлиб қолган.

Юқорида келтирилган далиллар Октябрь район ошхона ва ресторанлар трестида иste'молчиларга хизмат кўрсатишда катта-катта камчилик ва жиддий ҳатолар борлигини, трест раҳбарлари товар оборoти плани бажарилганидан мағрурланиб, эсанкираб қолганликларини яққол кўрсатади.

Трестнинг ишидаги бундай камчилик ва хатоларнинг содир бўлаётганига нима сабаб бўлмоқда?

Биринчи галда шуни айтиш керакки, трест ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар бўш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга яхши э'тибор берилмайди. Шу сабабдан трестнинг айрим ходимлари жиноий ишларни қилишдан ҳам тоймаётирлар. Трест савдо ишларини жойлардаги чойхона, ошхона, закускахоналарнинг бошлиқларига топириб қўйган, уларнинг ишини контроль қилмайди.

Трестнинг раҳбарлари, биринчи галда унинг директори ўртоқ Пўлатов давлат савдо ва санитария инспекцияларининг талаблари ва таклифларини менсимайдиган, иste'молчиларнинг шикоятлари ва қонуний талаблари блан ҳисоблашмайдиган бўлиб қолган.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, давлат савдоси ва умумий овқатланиш касаба союзларининг республика комитети трест ишидаги бундай ҳоллардан ҳабардор бўлсаларда трест ишини яхшилаш, камчилик ва хатоларни очиб ташлашга етарлик э'тибор бермайдилар.

Яқинда трест директори ўртоқ Пўлатов Ўзбекистон Савдо Министри ўртоқ Зиёмовнинг буйруғини ва касаба союзлари республика комитетининг раиси ўртоқ Тоҳировнинг ёзган табрик мактубини олди. Бу иккала ҳужжат товар оборoти плани бажарилгани муносабати блан юборилган.

Аммо бу ҳужжатларда, трест ишида содир бўлаётган камчиликларни тузатиш, иste'молчиларга хизмат қилиш маданиятини яхшилаш тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Шуни алоҳида уқдириб ўтиш зарурки, кадрларни тарбиялаш ишини яхши йўлга қўйиш, сиёсий ва оммавий ишларни ҳар тамонлама ривожлантириб юбориш, умумий овқатланиш маданиятини тубдан яхшилаб иste'молчиларга хизмат қилиш — савдо ташкилотларининг энг шарафли бурчидир.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг рейд бригадаси: **А. Тўлаганхўжаев** — давлат савдо инспекциясининг бош инспектори, **З. Фабричнева, А. Симкович** — шаҳар санитария инспекциясининг вакиллари, **П. Суббота** — касаба союз ходими, **С. Орипов** — редакция ходими.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биноси) — 14/VIII да **Офтобхон**, 15/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 14/VIII да **Бошқирд давлат рақс ансамблининг гастрольари**. Ансамбль 35 кишидан иборат. Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 4 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

ҚИШҚИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз), НАВОИЙ номли (кеч соат 8 гача), «ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача) «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги бадиий фильм-концерт **Қувноқ юлдузлар**.

НАВОИЙ номли — кеч соат 8 ва 10 да **Бой ила изматчи** (рус тилида).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Волга-Волга**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Айбсиз айбдорлар**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Қувноқ юлдузлар**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Мардлик мактаби**.

ПУШКИН номли — **Парм ибодатхонаси**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Мардлар майдони**, кечқурун **Москвада 1954 йилдаги 1-нчи Май байрами**.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРИДА
21 августда
1954/55 ЙИЛ МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 оркали Партия турмуши бўлими — 138, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 08016. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1414.